

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 334.75(575.1.

АХРОРОВА АЗИЗА АЗИЗ ҚИЗИ

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
АСОСИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

(Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш
ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси маълумотлари асосида)

5А 230108 - Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни
ривожлантириш

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

доц. Н. Ўрмонов

Тошкент – 2018

Магистрлик диссертация иши долзарб мавзуга бағишланган бўлиб, унда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда хусусий тадбиркорликни риволантиришнинг назарий асослари, хусусий тадбиркорликни риволантиришнинг ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш йўллари, миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришда хусусий тадбиркорликни риволантиришнинг истиқболли йўналишлари ёритилган. Шунингдек, ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш асосида хусусий тадбиркорликни риволантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Master's dissertation is devoted to the current theme, which reflects the theoretical foundations of improving the business environment and promoting private entrepreneurship, promoting private entrepreneurship and improving the business environment, promising areas of promoting private entrepreneurship in the national economy. Also, problems related to promoting private entrepreneurship based on the improvement of the business environment were identified and scientific recommendations and practical recommendations were developed to address them.

Магистрлик диссертация иши “Корпоратив бошқарув” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. _____ - сонли баённома «_____» _____ 2018 й.

Илмий раҳбар: Доц. Ўрмонов Н.
ИМЗО

Тақризчи: _____
ИМЗО

Магистр: Ахророва А.А.
ИМЗО

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Корпоратив бошқарув” кафедраси

муdiri PhD. Д. Бегматова _____

“_____” _____ 2018 йил Ҳимоя 2018 йил “_____” _____ соат _____ да
Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

М У Н Д А Р И Ж А

	КИРИШ	3
I боб.	Ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий асослари	10
1.1.	Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг илмий асослари.....	10
1.2.	Ишбилармонлик муҳити ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг институционал асослари.....	20
1.3.	Мамлакатда ишбилармонлик муҳити ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси.....	30
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	40
II боб.	Ўзбекистон Республикасида ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш ҳолати таҳлили (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси маълумотлари асосида).....	41
2.1.	Давлат рақобат қўмитасининг хусусийлаштириш ва монополияга қарши курашиш фаолияти таҳлили.....	41
2.2.	Рақобат қўмитасининг инвестиция мажбуриятлари бажарилиш ҳолати таҳлили ва тадбиркорлик субъектлари тавсифи.....	51
2.3.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори ривожланиш ҳолати таҳлили.....	60
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	67
III боб.	Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари	69
3.1.	Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари.....	69
3.2.	Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш йўналишлари.....	74
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	82
	Хулоса ва таклифлар	84
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	89

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётида хусусийтадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш мамлакат келгуси тараққиётини белгиловчи етакчи омил ҳисобланади. Яъни, мазкур фаолият мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас. Ҳозирги глобаллашув даврида мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган энг долзарб вазифаларидан бири миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш учун ишбилармонлик муҳитини самарали ҳимоя қилиш ва ривожлантириш ҳисобланади. Бинобарин бугунги куннинг устивор вазифаси этиб: “Иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма — босқич камайтириш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш...”¹ белгиланган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилганини қайд этиш зарур. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Қулай бизнес-муҳит, чет эл сармоялари учун кенг тизимли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар, мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқимини сезиларли равишда ошириш ва мамлакат ЯИМ нинг ўсишига олиб келиши бугунги кунда мамлакатимиз амалиётида ўз исботини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 сонли Фармони. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда). «Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 8 февраль, 28 (6722)-сон.

топмоқда. Тадбиркорликнинг нақадар муҳим аҳамият касб этишини президентимизнинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин: Билдирилган таклиф ва тавсияларнинг барчасини инобатга олиб, мен янги – 2018 йилга юртимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном беришни таклиф этаман.

Шу ўринда фаол тадбиркорлик деган тушунчага қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир².

Бугунги кунда ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий иқлим жозибадорлигини оширишга доир ҳатти-ҳаракатларни фаоллаштириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Қайд этиш керакки, сўнгги йиллар давомида Ўзбекистонда бизнес юритишнинг институционал асосларини яхшилашга доир кескин чора-тадбирлар қабул қилинди. Жумладан, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, бир томондан, давлат органларининг бизнес билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, у барча рўйхатдан ўтказиш, руҳсат бериш ва лицензиялаш тартиб-тамойилларини соддалаштириш ва камайтириш, солиқ ва божхона маъмурлаштиришини, ҳисобга қўйиш ва ҳисоботлик тизимини такомиллаштиришдан иборат. Бошқа томондан, ислохотлар назорат органлари вазифаларини кузатиш-назорат шаклидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга йўл қўймасликка оид вазифаларга қайта йўналтиришни назарда тутди.

Шу билан бирга, республикада амалга оширилаётган қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар ҳар йили халқаро молия институтлари томонидан баҳоланади. Хусусан, ана шундай нуфузли халқаро рейтинглар қаторига жаҳоннинг 189 давлатида 10 та индикатор бўйича бизнес юритиш осонлигини баҳолайдиган Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш-2017” ҳар йилги тадқиқотини киритиш мумкин. Ўзбекистон «Doing

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2018
www.press-service.uz

Business - 2017» рейтингида 189 давлат орасида 87-ўринни эгаллаб, қатор кўрсаткичлар бўйича Марказий Осиё минтақасида етакчига айланди. Аввалроқ, бизнес учун давлат хизматларини мақбуллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар “Хусусий мулкни рўйхатдан ўтказиш” ва “Миноритар манфаатлар муҳофазаси” кўрсаткичларида ўз аксини топди. Ўзбекистон 2016 йилга нисбатан мувофиқ равишда рейтингини 6 ва 8 позицияга яхшилади.

Жаҳон банки методологияси бўйича ишбилармонлик муҳитини баҳолашда, булар хоҳ қонунчиликда бириктирилган меъёрлар бўлсин, хоҳ уларнинг амалиётга татбиқ этилиши бўлсин, икки кўрсаткичдан бирининг энг ёмон ҳолати ҳисобга олинади. Бундай ёндашув рухсат бериш тартиб-тамоийиллари, бизнес учун ушбу тартиб-тамоийиллардан ўтиш билан боғлиқ вақт ва молия ҳаражатларини баҳолашда қўлланилади.

Мамлакатнинг рейтингдаги позицияси ишбилармонлик муҳитининг қулайлигини акс эттириш билан бирга, халқаро бизнес-жамиятда инвестициявий қарорларни қабул қилишда муҳим омил саналади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида ҳам «Doing business» ҳисоботида Ўзбекистон рейтингини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга оид вазифалар белгиланган.

Президентимиз Ш. Мирзиёев такидлаганларидек: тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувларда шахсан ўзим шунга қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, бундай саволларни беришга уларнинг тўлиқ ва қонуний ҳуқуқи бор. Бу ҳуқуқни улар турли маълумотнома, рухсатнома ва сертификатлар, кредит олишда неча кунлар навбатда туриш, ноқонуний текширувлар, бой берилган иқтисодий ва молиявий фойда ҳисобидан қўлга киритган.

Шу билан бирга, тадбиркорларнинг кўпчилиги ҳақиқий фуқаролик позициясида туриб, етим болалар ва ночор oilаларга, маҳаллалар ва ижтимоий соҳа муассасаларига бегараз ёрдам бермоқда.

Бунинг эвазига улар нима оляпти? Биринчиси – фақат кўрқув, яна текширишни ва сиқувга олишни бошлашади, эркин меҳнат қилишга, oilамни,

бола-чақамни боқишга яна имконият бермайди, деган кўрқув. Шу сабабли улар ўз ишида камчилиги ва қонунбузарлик ҳолати бўлмаса ҳам турли даражадаги амалдорлар билан «келишиб олишга» мажбур бўлмоқда.³

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шархи (таҳлили). Ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш асосида хусусий тадбиркорликни риволантириш ва миллий иқтисодиётда хусусий тадбиркорликни ўрнини мустаҳкамлаш, хусусий мулк бозоридан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган муаммоларини хорижлик ва Ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрганилган ва ҳозир ҳам ўрганилмоқда. Хорижлик олимлар Портер М., Майкл Э., Горбунов А., Мазилкина Е.И, Паничкина Т.Г., Носова Н.С., Ж.М.Кейнс., Walter Block, Graeme A. Hodge, David A. McDonald ва бошқа иқтисодий олимларнинг асарларида хусусий мулк, давлат мулкни хусусийлаштириш кенг кўриб чиқилган⁴.

Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш масаласи Мирзиёев Ш.М. асарларида, Улашов Б.С., Фатхутдинов Р.А., Шоҳаъзамий Ш.Ш. ва бошқаларни илмий ишларида чуқур ёритилган⁵.

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий қўнларига 2016-йилда ижтимоий-2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор ўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.. www.press-service.uz

⁴Портер М., Майкл Э. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов / Пер. с англ. Учебник. - 2-изд. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2009. - 516 стр.

Горбунов А. Национальная конкурентоспособность. – М.: «Анkil», 2010. – 256 с.

Мазилкина Е.И, Паничкина Т.Г. Управление конкурентоспособностью. Учеб. пособ. – Омега-Л, 2009. 325 с.

Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы / Н.С. Носова.- 2-е изд. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К»; Саратов: ООО «Англейс», 2010.- 256 с.

Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. — М.: Эксмо, 2007. — 960 с.

The Privatization of Roads and Highways: Human and Economic Factors Paperback – Large Print, 2012

by Walter Block (Author)

Privatization: An International Review of Performance By Graeme A. Hodge Westview Press, 2014

Making Public in a Privatized World David A. McDonald London, United Kingdom ZED-BOOKS-LTD 2016 Paperback

⁵Мирзиёв Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истикболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

Улашов Б.С. Конкурентная политика в Узбекистане. Монография. –Т.: Фан. 2012. – 408 с.

Фатхутдинов Р.А. Управление конкурентоспособностью организации: Учебник. Н. \ ЭКСМО, 2014. - 544 с.

Шоҳаъзамий Ш.Ш. Основы приватизации, рынок её объектов и услуг, - Т.: «Ибн Сино» 2014. 920с

Магистрлик диссертация ишининг предмети ваобъекти.

Ўзбекистон Республикасида рақобатни химоя қилиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети эса, миллий иқтисодиётимизда ишбилармонлик муҳитини химоя қилиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ва бозор қатнашчилари ўртасидаги хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир ижтимоий – иқтисодий муносабатлари ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш учун назарий ва амалий тақлифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари қўйилган мақсадни амалга ошириш мақсадида қуйидагилар белгилаб олинди:

- Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг илмий асосларини ўрганиш;
- Ишбилармонлик муҳити ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг институционал асосларини кўриб чиқиш;
- Мамлакатда ишбилармонлик муҳити ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ўрганиш;
- Давлат рақобат қўмитасининг хусусийлаштириш ва монополияга қарши курашиш фаолияти таҳлили;
- Рақобат қўмитасининг инвестиция мажбуриятлари бажарилиш ҳолати таҳлили ва мамлакатда инвестицион фаолиятни ўрганиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

— Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилиш;

— Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот ишида тизимли ва омилли таҳлил, таққослама ва таркибий таҳлил, статистик гуруҳлаш, монографик кузатиш, эксперт баҳолаш ҳамда бошқа услублардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мамлакат иқтисодиётининг хусусий тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, корхоналар молиявий ҳолати бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Мавзу бўйича талаба томонидан изланишлар олиб борилиб қуйидаги илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

— иқтисодиётда рақобат муҳитини шаклланиши таъминлаш;

— хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тизимини, унинг механизмларини такомиллаштириш асосида ривожлантириб бориш;

— хусусий тадбиркорликга хизмат кўрсатувчи инфратузулмаларни самарали ҳаракат қилишини таъминлаш.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш тизимларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва хулосалар миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда, иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мазкур тадқиқот материалларидан монополияга қарши органлар мутахассисларининг касб-ҳунар малакасини оширишга бағишланган тадбирларида илмий-назарий тадқиқот материаллари сифатида фойдаланиш мумкин. Ишдаги илмий хулоса ва назарий, статистик манбалар бу борадаги келгуси илмий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Шуниндек,

мавзуга тегишли таҳлиллари амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа идораларнинг меъёрий ҳужжатларига, таҳлил олиб борилган “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази” материалларига асосланилади.

Магистрлик диссертация ишининг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертация ишининг таркибий тузилиши қуйидагича: кириш, 3та бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланади, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқланади, муаммонинг ўрганганлик даражаси баён қилинади, тадқиқотнинг предмети, объекти ва субъекти танланади.

Биринчи бобда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришнинг назарий – услубий асослари ўрганилади.

Иккинчи бобда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган ҳудудий бошқармаларга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятининг таҳлил қилинади ҳамда тегишли хулосалар шакллантирилади.

Учинчи бобда Ўзбекистон Республикасида ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш тизимларини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий хулоса, тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Диссертациянинг хулоса қисмида шакллантирилган хулосалар, ишлаб чиқилган тақлифлар ва тавсияларнинг қисқача мазмуни ўз ифодасини топган.

I БОБ. ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда хусусий тадбиркорликни риволантиришнинг илмий асослари

Бугунги кунда ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий иқлим жозибадорлигини оширишга доир ҳаракатларни фаоллаштириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда хусусий хусусий тадбиркорлик иқтисодий ривожлантиришнинг етакчи ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралиб, мазкур соҳа учун қулай ишбилармонлик муҳити яратишга катта эътибор берилмоқда. Биринчи Президентимиз томонидан 2014 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим устувор йўналишлари таркибида “Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодий ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур” , деб белгилаб берилиши ҳам мазкур масаланинг нақадар долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Энг аввало, муҳит тушунчасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, “муҳит (арабча – ўраб олинган, ихота этилган) – ҳаёт, фаолият кечадиган табиий ёки ижтимоий шароитлар мажмуи”, “муҳит – бу атрофдаги шарт-шароит, ҳолат, ушбу шароитлар билан боғланган кишилар йиғиндиси” [3] дея изоҳланади. Демак, муҳит – ўзининг муайян объектига нисбатан қулай ҳаётий фаолиятни амалга ошириш имкониятини таъминловчи шартшароитлар мажмуи.

Бундан кўринадики, муҳит кенг тушунча. Уни табиат, ижтимоий ҳаётдаги кўплаб объектларга нисбатан қўллаш мумкин. Масалан, ўсимликларнинг микробиологик муҳити, оила муҳити, меҳнат жамоаси

муҳити, жамиятдаги ижтимоий муҳит ва ҳоказо. Бу тушунчаларнинг умумий томони шундаки, уларнинг барчасида муҳит мазмуни жиҳатидан турлича бўлган объектлар учун қулай ҳаётий фаолиятни амалга ошириш имкониятини таъминловчи шартшароитлар мажмуи сифатида майдонга чиқади.

Шунингдек, ишбилармонлик муҳити ҳам иқтисодиётнинг турли даражасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган шартшароитлар мажмуини ифодалайди. Ишбилармонлик муҳити, биринчидан, кишиларнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва у билан шуғулланиш хоҳиши ва имкониятларига таъсир этувчи умумий иқтисодий, ижтимоий-маданий, сиёсий омилларни ўз ичига олса, иккинчидан, хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш жараёнларини енгиллаштирувчи кўмак ва қўллаб-қувватлаш хизматларини назарда тутди.

Ишбилармонлик муҳитининг иқтисодий мазмунини очиб беришда мамлакатимиз ҳамда хорижлик олим ва мутахассислар томонидан унинг қатор жиҳатлари тадқиқ этилганини таъкидлаш лозим. Жумладан, D. Gnyawali ва D. Fogel ишбилармонлик муҳитини етарли малака ва кўникмаларга эга тадбиркорлар, малакали ишчи кучи, таъминотчилар, харидорларнинг мавжудлиги, янги бозорлар, юқори даражадаги рақобат мавжудлиги, ҳукуматнинг тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантирувчи сиёсати, маслаҳат хизматлари таъминоти, инфратузилма тизими, кишиларнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабати, кўникмаси, тажрибаси ва мотивациялари орқали ўрганганлар.

Bruno, Tyebjee (1982), Gartner (1985), Manning, Birley, Norburn (1989), Staley, Morse (1971) мавжуд ишбилармонлик муҳитини хусусий тадбиркорликни мамлакат ёки минтақа миқёсида ривожланишига олиб келувчи шарт-шароитлар сифатида тадқиқ қилганлар.

Dana (1987), Davidsson (1991), Doutriaux (1988), Hawkins (1993), Pennings (1982), Swanson, Webster (1992), Takyi-Asiedu (1993) ўз

эътиборларини ишбилармонлик муҳитига таъсир этувчи ташқи омилларни ўрганишга қаратганлар.

Goodman, Meany, Pate (1992), Mokry (1988), Segura (1988), Westhead (1990) эса давлатнинг ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш учун яратган шарт-шароитлари ҳамда имкониятларини ўрганганлар [7]. Ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда давлатнинг ролини тадқиқ этиш орқали сиёсий омилларни хусусий тадбиркорлик фаолиятига ижобий таъсирининг қатор жиҳатларини очиб берганлар. Бу жиҳатлар венчур капитали фондлари, солиқ имтиёзлари, давлатнинг харид қилиш ёки таъминот дастурларининг мавжудлиги, шахсий ғоя ва инновациялар муаллифларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ҳукумат идораларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаши, таълим муассасалари томонидан хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи кадрларни тайёрлаш, хусусий тадбиркорликни рўйхатдан ўтказишдаги тўсқинлик ҳолатларини қисқартириш кабиларни ўз ичига олади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити, ишчан муҳит ва ишбилармонлик муҳити бир хил мазмунда қўлланилмоқда. Айниқса, хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи кўплаб ҳуқуқийқонунчилик ҳужжатларида ишчан муҳит ва ишбилармонлик муҳити шаклида қўлланиб келинмоқда.

Иқтисодиёт бўйича илмий манбаларда, масалан, Д. Гнявали, Д. Фогель, М. Лапуста, В. Гребеник, С. Шкодинский, Р. Шестаков, Л. Шикунова, О. Дробышева, О. Кусакина, Н. Пальцев, И. Цыпин, И. Максимов, С. Кан, А. Асаул, А.В. Бусугина С.Н. Буханцева ва бошқаларнинг илмий ишларида ишбилармонлик муҳити атамаси кўпроқ қўлланилади[9]. Л. Горбенко, А. Бойцов, В. Пресняков, В. Тишков, Б. Ғойибназаров, Х. Рахмонов ишчан муҳит атамасидан фойдалансалар, В. Котельников, Д. Суюнов бизнес муҳит атамасини қўллайдилар[10]. Айни пайтда, Д. Шодибекова ва М. Гулмановнинг илмий ишларида бир вақтнинг ўзида ишбилармонлик муҳити,

ишбилармонлик муҳити ва бизнес-муҳит атамаларининг аралаш ҳолда қўлланганини кузатиш мумкин.

Ишбилармонлик муҳитининг иқтисодий мазмунини очиб беришда унинг предмети, объекти ва субъектларини аниқлаб олиш муҳим ҳисобланади.

Фикримизча, ишбилармонлик муҳитининг предмети бўлиб тадбиркорларнинг самарали ва тўлақонли фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, алоқа ва механизмлар ҳисобланиб, у қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олади:

— хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш;

— хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун иқтисодий эркинликни таъминлаш;

— тадбиркорларнинг мустақил фаолиятидаги таваккалчилик даражасини минималлаштириш ва фаолиятининг барқарорлигини ошириш;

— хусусий тадбиркорлик фаолияти тижорат муваффақияти, унинг жавобгарлигининг қонуний кафолатлари ва ижтимоий жавобгарлик мотивациясини таъминлаш;

— бозор тизимида асосланган самарали иқтисодий алоқаларни, иқтисодий ресурслардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш ва ҳ.к.

Хусусий тадбиркорлик – ҳўжалик юритишнинг шундай ташкилий-ҳуқуқий шаклики, унда мулк эгаси битта шахс ёки оила бўлади ва фаолиятдан келган даромадни (турли тўлов ва солиқлар тўланганидан кейин) ҳаммасига эгалик қилади, қолаверса бизнесдаги ҳавф-хатар ва таваккалчилик учун якка ўзи жавоб беради.

Тадбиркорликнинг ушбу шакли чакана савдода, умумий овқатланиш соҳасида, маслахат соҳасидаги, маслахат соҳасидаги бизнесда, маиший хизматда, фермерчиликда, тиббиётчилик амалиётида ва ҳунармандчиликда кўпроқ учрайди. У икки хил кўринишда ташкил қилиниши мумкин: а)

индивидуал – яъни корхона ташкил қилмасдан ва б) хусусий корхона – яъни юридик шахс ташкил қилган ҳолда.

Хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари: хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун рухсат олиш ҳўжалик ширкатларига нисбатан соддалаштирилган, яъни хусусий тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганидан кейин, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритиши мумкин. Бунда хусусий тадбиркор банкда ҳисоб рақами очиши ва ўз ҳамкорлари билан нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириши мумкин. Ҳамда солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилади. Бундан ташқари, тўла мустақил ҳаракатдаги эркинлик ва тезкорлик, барча фойда фақат мулкнинг ёлғиз эгасига келиб тушади ва у кўпроқ ишлашга рағбатлантиради.

Шу ўринда президентимизнинг тадбиркор сўзига берган тарифларини келтириб ўтиш жоиз: “ Шу ўринда фаол тадбиркорлик деган тушунчага қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир.

Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим”⁶

Хусусий тадбиркорликнинг камчиликлари: кредитлаш имкониятларининг чекланганлиги (макро ва йирик корхоналар катта

⁶Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2018
www.press-service.uz

ҳажмдаги кредитлар олиши мумкин); заиф молиявий пойдеворга эгаллиги, барча ҳўжалик фаолияти учун ўзининг бор мулки билан жавобгарлиги; фаолиятни кенгайтириш имкониятларини чекланганлиги.

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш ниятида ишбилармонлар ҳамкорлари мол-мулк, касб ёки капиталларини қўшиб бирлашадилар ва маблағлар ҳажмини оширадилар.

Ишбилармонлик муҳити субъекти мазкур муҳит шарт-шароитлари ва имкониятларидан фойдаланувчилар (яъни тадбиркорлар, сотувчи ва харидорлар, истеъмолчилар ва бошқалар), уларнинг турли гуруҳлари; мазкур муҳитни шакллантиришда иштирок этувчи давлат, нодавлат идоралари, хусусий сектор вакиллари ва бошқалардан иборат бўлса, ишбилармонлик муҳити объекти турли кўринишдаги хусусий тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади.

Ишбилармонлик муҳити ўз ичига кўплаб таркибий қисмларни олади. Бу таркибий қисмларни ишбилармонлик муҳити омиллари ёки жиҳатлари деб ҳам юритиш мумкин. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: ҳуқуқий; сиёсий; иқтисодий; ижтимоий-руҳий; маънавий-маърифий; ташкилий; технологик ва бошқалар. Ушбу таркибий қисм (омил)лар биргаликда яхлит ишбилармонлик муҳитини шакллантиради.

Бугунги кунда ишбилармонлик муҳитининг иқтисодий мазмунига оид илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур тушунча аксарият ҳолларда хусусий тадбиркорлик фаолияти учун зарур шартшароитларни яратишга қаратилган турли йўналиш ва тавсифдаги омиллар (таркибий қисмлар)нинг шунчаки йиғиндиси сифатида ифодаланган. Бироқ, фикримизча, ишбилармонлик муҳити таркибий қисмларнинг шунчаки, механик тарздаги йиғиндисидан иборат эмас. Балки муҳит самарали амал қилиши, ўзининг функцияларини тўлақонли амалга ошириши учун мазкур таркибий қисмлар ўртасида ўзаро мувофиқлик ва мутаносиблик таъминланган бўлиши лозим.

Ишбилармонлик муҳитининг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин (1-расм).

Номи	Қисқача мазмуни
Муҳофазалаш функцияси	Муҳит ўз майдонида бўлган объектнинг ташқи ва ички салбий таъсирлардан ҳимоялайди. Бундай ҳимоялаш фақат ҳуқуқий жиҳатдан, яъни турли ҳуқуқий кафолатларнинг ўрнатилиши билан чекланмай, балки бошқа жиҳатлар кесимида ҳам таъминланади. Масалан, иқтисодий жиҳатдан – корхоналарнинг молиявий ноқарор ҳолатга тушиб қолишининг олдини олиш; снэсий жиҳатдан – снэсий жараёнларнинг турли эҳтимоллий таъсирларига йўл қўймаслик; ташкилий жиҳатдан – корхона фаолиятини ташкил этиш, уни турли иқтисодий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш каби механизмларнинг тўлиқ ишлаши орқали ҳам намоён бўлади
Парваришлаш функцияси	Муҳитнинг ўз майдонидаги объектлар муҳофазасини шунчаки таъминлаб қолмай, балки уларни парваришлаш, яъни уларнинг ҳаётийлик даврининг қуйи босқичидан юқори босқич томонга ҳаракатланишини таъминлаш орқали намоён бўлади
Таъминлаш функцияси	Муҳитнинг ўз майдонидаги объектларнинг самарали ва тўлақонли фаолиятини таъминлаш орқали намоён бўлади
Фаоллаштириш функцияси	Муҳит ўз майдонидаги объектнинг фақатгина муҳофаза қилиб ва парваришлаб қолмай, балки унинг фаол ҳаракат қилишини таъминлаш лозим
Рағбатлантириш функцияси	Муҳит ўз майдонидаги объектнинг рағбатлантириши, масалан, тадбиркорлик фаолияти кўрсаткичлари яхшиланган ҳолда унинг имкониятлари ҳам кенгайиб боришини таъминлаш зарур
Жалб этиш функцияси	Муҳит ўз майдонига янгидан-янги объектларни жалб этиб бориши ҳамда бундай кенгайиш натижасида ўзи ҳам кучайиб бориши лозим

1-расм Ишбилармонлик муҳитининг асосий функциялари⁷

Юқорида таъкидланганидек, ишбилармонлик муҳитининг ҳар бир функцияси унинг барча омиллари (таркибий қисмлари) учун тааллуқли бўлиб, ўз йўналиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бажарилиши керак. Масалан, ишбилармонлик муҳитининг ҳуқуқий жиҳати (хусусий тадбиркорлик фаолияти асосларининг қонун билан мустаҳкамланиши, турли кафолатларнинг белгиланиши ва бошқалар) бир вақтнинг ўзида муҳофазалаш, парваришлаш, таъминлаш, фаоллаштириш, рағбатлантириш, жалб этиш функцияларини бажариши лозим.

Ишбилармонлик муҳитининг иқтисодий мазмунини очиб беришда унинг асосий қоида (тамойил)ларини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки мазкур муҳит амал қилиш тамойилларининг аниқлиги ҳамда бу борадаги хатти-ҳаракатларнинг мақсадга мувофиқ йўналтирилганлиги унинг самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

⁷ Манба: муаллиф томонидан тайёрланди

Умумий ҳолда ишбилармонлик муҳитининг кўплаб тамойиллари мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ, фикримизча, бу ўринда асосий мақсад – ишбилармонлик муҳитини самарали шакллантириш нуқтаи назаридан унинг бир қатор асосий тамойилларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин (2-расм).



8

2-расм. Тадбиркорлик муҳитининг асосий тамойиллари

Қуйида ушбу тамойилларнинг мазмунмоҳиятига тўхталиб ўтамыз. Хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш ва енгилликларни яратишга йўналтирилгани.Энг аввало, ҳар қандай муҳит ўз объектининг фаолияти учун эркинлик ва енгиллик яратишга қаратилган бўлади. Шу нуқтаи назардан ишбилармонлик муҳити ҳам мамлакатдаги хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш ва унга қатор енгилликлар яратишга йўналтирилгандир. Жумладан, мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги тамойил жорий этилган, фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ

⁸ Манба: Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилгани, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта қисқартирилгани мазкур тамойил доирасида амалга оширилган чоратадбирлар ҳисобланади.

Хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилгани. Ишбилармонлик муҳити хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг ошиб боришига хизмат қилиши лозим. Бунинг учун у тадбиркорларнинг харажатларини қисқартириб, уларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий натижаларини оширишга таъсир кўрсатувчи чоратадбирларни қўллаб бориши зарур. Масалан, Ўзбекистонда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида хусусий тадбиркорлик фаолияти учун рухсат бериш жараёнлари учун харажатлар қиймати 5 марта қисқартирилди. Шунинг қайд этиш жоизки, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома олиш жараёнида тўланадиган харажатлар 8 баробар камайтирилди, банкларда ҳисобрақами очиш учун тўловлар бекор қилинди ва бу борада бошқа зарур тадбирлар амалга оширилди [12].

Ишбилармонлик муҳитининг бозор иқтисодиёти талаб ва қоидаларига мувофиқлиги. Хусусий тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми экан,

унга шарт шaroит яратувчи муҳит ҳамайнан мазкур тизим талаб ва қоидалари асосида шакллантирилган бўлиши лозим.

Масалан, барча фаолият ёки хатти ҳаракатларнинг талаб ватаклиф, фойда ва зарар, рақобат ва бимеханизмларга асосланиши муҳим қоидалардан биридир.

Шубҳасиз,

хўжалик амалиётида барча фаолият ёки хатти ҳаракатларга соф бозор тизими талаб ва қоидаларини уқтаина заридан ёндашиб бўлмайди.

Бироқ, бўҳолатиш билармонлик муҳити фаолиятини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш заруратини инкор этмайди.

Муҳитнинг узлуксиз равишда такроран ҳосил қилиб турилиши. Муҳитнинг шаклланиши ва амал қилишидаги ўзига хос жиҳатдан яна бири – бу уни ҳосил қилишнинг узлуксиз равишда такрорланиб туришидир. Яъни муҳитнинг шаклланиш, ривожланиш ҳамда амал қилиш жараёни тўхтовсиз ҳаракатда бўлади. У ўзини ривожланишининг муайян нуқтасида тўлиқ такомилга етишган бўлиши мумкин, бироқ тараққиётнинг кейинги ўзгаришлари уни янада такомиллаштириш борасидаги янги имкониятлар ва йўналишларни вужудга келтиради. Бу эса муҳитнинг, шу жумладан, ишбилармонлик муҳитининг узлуксиз равишда такроран ҳосил қилиб турилишини билдиради. Шундай экан, муҳитни такрор ҳосил қилиш жараёнининг тўхташи унинг объекти ҳаракатининг тўхтаганлигини англатади.

Муҳит таркибий қисмлари ўртасида мутаносиблик ва мувозанатнинг мавжудлиги. Ҳар қандай муҳит (шу жумладан ишбилармонлик муҳити ҳам) тизимли тузилма сифатида муайян мутаносиблик ва мувозанатга эга бўлади. Энг аввало, ички мутаносиблик ва мувозанат муҳим ўрин тутди. Таркибий қисмлар ўртасидаги мутаносиблик муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари ва тавсифидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Агар бунини ишбилармонлик муҳитига татбиқан олинса, хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилувчи турли (масалан, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа) омиллар (ёки чора-тадбирлар) ўртасидаги нисбатларни англатади.

Муҳитнинг мувозанати унинг таркибий қисмлари ўртасида вужудга келувчи ўзаро мувофиқлик, тенгликни англатади. Бундай мувозанат ички ва ташқи кўринишда бўлиши мумкин. Ички мувозанат муҳитнинг яхлит тизим сифатида шаклланиши ва амал қилишига имкон яратади. Ташқи мувозанат эса муҳит ички таркибий қисмларини муҳитдан ташқаридаги бошқа жараён ва ҳодисалар билан ўзаро мувофиқлигини таъминлайди.

Муҳитнинг фаолияти узлуксиз равишда мувозанатнинг бузилиши ва қайта тикланиши орқали амал қилади. Мисол учун, хусусий тадбиркорлик

фаолияти учун ташкилий жиҳатдан янги қулайликнинг (масалан, хусусий тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказишнинг Интернет орқали он-лайн шаклида амалга оширилиши) белгиланиши таркибий қисмлар ўртасидаги мавжуд мувозанатни бузади. Мазкур мувозанатни қайта тиклаш учун эндиликда ушбу таомилнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, технологик имкониятларини таъминлаш, маънавий-маърифий (янги тартибни тадбиркорлар эътиборига етказиш, бу ҳақда тушунча бериш, уни амалга ошириш кўникмаларини ҳосил қилиш ва ҳ.к.) чора-тадбирларини йўлга қўйиш зарур. Шундай тарзда ташқи мувозанат ҳам ишбилармонлик муҳитининг ички тартиб-таомилларини ундан ташқаридаги умумий тартиб-таомиллар билан ўзаро мослиги, мувофиқлиги орқали таъминланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ишбилармонлик муҳити хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитларни яратувчи таркибий қисмлар ёки омилларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки ўзаро мутаносиблик ва мувозанат асосида яхлит тизим ҳолда амал қилувчи мажмуи ҳисобланади. Муҳит фаолиятининг самарадорлиги унинг таркибий қисмларининг ўзаро бир-бирига мувофиқлиги орқали белгиланади.

Ишбилармонлик муҳитининг ўзини-ўзи тартибловчи механизмга эгаллиги. Ишбилармонлик муҳитининг тизим сифатидаги тавсифидан келиб чиқувчи муҳим тамойил – унинг таркибида ўзини-ўзи тартибловчи ички механизмнинг мавжудлигидир. Тўғри, ишбилармонлик муҳитининг тўлақонли ва самарали фаолиятини таъминлаш учун ташқи тартибга солишнинг аҳамияти юқори. Бироқ муҳитнинг мавжуд бўлиши ва амал қилиши учун ўзини-ўзи тартибловчи ички механизм етакчи роль ўйнайди. Айнан шу механизм ишбилармонлик муҳити таркибидаги нисбатлар ва мувозанатни шакллантиради, улар бузилган тақдирда янгидан мувозанатга келтиради.

1.2. Ишбилармонлик муҳити ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг институционал асослари

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш орқали ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республикаимизнинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бизнес юритишнинг институционал асосларини яхшилаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни олиш билан боғлиқ тартиб-тамойиллар, экспорт ва импорт чоғида маҳсулотларни сертификатлаш тизими соддалаштирилиши эвазига ташқи савдо операцияларини амалга ошириш чоғида божхона расмийлаштируви, юкларни ташиш борасида вақт ва маблағ тежалишига эришилмоқда. Солиққа тортиш соҳасидаги ислохотлар ҳам Жаҳон банкининг рейтингида ижобий акс этди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бизнес юритишнинг институционал асослари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида
2. «Рақобат тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
3. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни
4. «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Тошкент.: Адолат,

2016 й. 560 б.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Тошкент ш., 2018 йил 30 март, 249-сон

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Тошкент ш., 2017 йил 8 сентябрь, 704-сон, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2018 й., 09/18/26/0578-сон, 09.04.2018 й., 09/18/273/1045-сон

8. «Табиий монополия субъектларининг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 Фармони. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида..

10. «Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштирилган, корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-5016 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони,

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ-3225-сон қарори

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-5087-сон Фармони

Президентининг Фармони «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

Иқтисодийнинг бугунги кундаги ривожланиш даражаси, иқтисодий алоқаларнинг ғоят кенг миқёсли ва мураккаб бўлиб бораётган бир шароитида бозор кучлари ўта мукамал бўлиб ишлаганда ҳам иқтисодий муносабатларни тўлатўкис тартибга сола олмайди. Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш чуқур ихтисослашган бўлиб, товар ва хизматлар кўпчилик меҳнатининг маҳсулига айланиб, уларнинг турлари кўпаймоқда, ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи иқтисодий алоқалардаги аҳамияти ошмоқда ва бу муносабатларни ўрнатиш ҳамда тартибга солишда давлатнинг иштироки зарурдир.

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланаётган корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, иқтисодий жараёнларнинг таркибий тузилишини мутассил такомиллаштириб бориш заруратини кучайтирмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодий фаол аҳолининг 78,1 фоизи хусусий секторда бандлигини ҳисобга оладиган бўлсак, албатта, бу сектор фаолият юритиши учун барча шароитлар мавжуд бўлишини, янада самарали механизмни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса тадбиркорликнинг давлат томонидан ҳам ҳуқуқий-маъмурий механизмлар, ҳам молиявий-иқтисодий механизмлар орқали қўллаб-қувватланишига эҳтиёжманд эканлигини англатади.

Ишбилармонларнинг манфатларининг қонуний ҳимоя қилиш орқали тадбиркорликка самарали муҳит яратилади. Бу нафақат маҳаллий тадбиркорларнинг самарали иш юритишига шу билан бирга хорижий инвесторларнинг мамлакатга жалб қилишда асосий омил вазифасини бажаради. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ўсиш орқали мамлакат ЯИМ

нинг ўсиш ва инвестицияларнинг самарали оқимига эришилади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатда институционал муҳитнинг барқарорлиги бизнесни барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшади. Бу бугунги кунда Ўзбекистон амалиётида яққол кўзга ташланмоқда.

Давлат бундай вазифаларни ўз механизмини қўллаш орқали амалга оширади. Бозор шароитида миллий иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишига эришиш ва корхоналарнинг барқарор ҳолатини яхшилашда қўллаб-қувватлашнинг барча механизмлари иштироки муҳим аҳамият касб этади. Бунда маъмурий-ҳуқуқий муҳитнинг ҳам ўрни, ҳам роли катта ва ўз таъсир-этибори бўйича иқтисодий механизмларни тўлдириб келади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадда барча мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлат томонидан ўзига хос иқтисодий, ҳуқуқий-меъёрий усулларда қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилади ҳамда рағбатлантириб борилади. Қўллаб-қувватлашнинг бундай механизмлари кичик тадбиркорлик корхоналарининг катта корхоналарга айлангунига қадар давом этади.

Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур.

Бугунги кунда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига катта этибор берилмоқда ҳам уларнинг манфатлари қонун билан мустаҳкамланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 5-октябрда қабул қилинган Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-4848 фармон бу соҳа вакиллариغا янада кенг имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар

томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қабул қилинган ушбу Фармони, энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишидан далолат беради.

Хусусан, Фармон “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик”ни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлайди.

Ушбу мақсадларда давлат органларига, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларга:

ўз фаолиятида белгиланган талабларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, шу муносабат билан ўз вазифаларини ва ваколатларини танқидий қайта кўриб чиқиш;

тадбиркорлик фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш топширилди.

Ушбу норма давлат органларига айбдор ходимларга нисбатан нафақат интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг энг қатъий чораларини қўллаш мажбуриятини юклабгина қолмасдан, балки тадбиркорлик

субектларига етказилган зарарнинг бевосита ушбу ходимлардан ундирилишини таъминлашни ҳам юклайди.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ноқонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўймасликка йўналтирилган.

Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашшдан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган давлат назоратининг принципиал жиҳатдан янги бир қатор механизмлари белгиланмоқда.

Жумладан, 2017-йилнинг 1-январидан бошлаб қуйидаги илгари кўрилмаган чоралар жорий этилади:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади, бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно;

шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади.

Шундай қилиб, назорат қилувчи органлар эндиликда режадан ташқари текширишлар ўтказишни ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида қисқа муддатли текширишлар ўтказишнинг чекланган имконияти сақланиб қолади. Бундай текшириш фақат Республика

кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказилиши мумкин ва текшириш муддати бир иш куни билан чекланган.

Шу билан бирга, Фармон маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлини давом эттириб, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимларини ҳамда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахсларни, улар томонидан етказилган зарарни қоплаган ва ҳуқуқбузилиши оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий бартараф этган тақдирда, жавобгарликнинг барча турларидан озод қилиш каби тубдан янги чораларни назарда тутди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллаш тақиқланган. Кўрсатиб ўтилган нормалар тадбиркорлик субъектларини икки марта жазолашни истисно этибгина қолмай, балки биринчи марта ҳуқуқбузарликни содир этган ва ўз айбини ювган фуқароларга ўзининг тадбиркорлик фаолиятини салбий оқибатларсиз давом эттириш имконини беради, бу чора уларнинг ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга ҳам йўналтирилган.

Шу муносабат билан Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Солиқ кодексига ва бир қанча бошқа қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун хорижий инвестициялар иштирокидаги янгидан ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарига беш йил мобайнида улар рўйхатдан ўтказилган санада амалда бўлган солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларни қўллаш ҳуқуқи берилади.

Шуни қайд этиш зарурки, ушбу имтиёз инвестиция сифатида киритилган маблағлар миқдоридан қатъи назар хорижий инвестициялар иштирокидаги барча корхоналарга татбиқ этилади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан Парламент назорати шакллари кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Фармон қоидаларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Хусусан, коррупсияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш доирасида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларни, шу жумладан, "Коррупсияга қарши курашиш тўғрисида", "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида", "Давлат харидлари тўғрисида" ва "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Дастурга мувофиқ жиноят ишлари бўйича текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг аниқ ҳуқуқий тартиботини белгилаш учун "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонунга, Жиноят-протсессуал кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тадбиркорлик субъектлари фаолиятига, шу жумладан, жиноят ишлари доирасида тергов қилишни амалга оширишда ноқонуний аралишиш имконини берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, Дастур тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ жиноят қонунчилиги нормаларини янада эркинлаштириш, жиноятлар содир этилиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашининг ягона мезонлари ва асосларини белгилаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқирилишини назарда тутди.

Солиққа тортиш тизими ва божхона ишини такомиллаштириш, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини ва халқаро рейтингини ошириш соҳасида Дастурда қуйидагиларга йўналтирилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир тадбирлар мўлжалланган:

— валютани тартибга солиш ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, банк фаолиятини самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ғовларни бартараф этиш;

— солиқ маъмурчилигининг сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш;

— тадбиркорлик субъектларининг экспорт контрактларини божхона органларида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

— ҳуқуқбузилишларининг олдини олишнинг асосий механизмларидан бири ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолати сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчиларининг хизматлар сифати учун жавобгарлигини ошириш ва улар томонидан тақдим этиладиган хулосаларнинг ишончлилиги юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

"Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш доирасида давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг бевосита мулоқот қилмайдиган шакллари кенгайтириш бўйича комплекс тадбирлар мўлжалланган. Хусусан, Дастур

тадбиркорлик субъектларига фақат давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар орқали “ягона дарча” таъминоти асосида кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтиришни назарда тутди.

Шу билан бирга, илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда техник талаблар (санитария, экология, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, стандартлаштириш ва бошқалар) каби махсус норматив ҳужжатларни, самарасиз, эскирган ва бозор механизмларининг ўрнини эгаллаб олган нормаларни бекор қилиш юзасидан танқидий қайта кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Фармоннинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий ғовлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

1.3 Мамлакатда ишбилармонлик муҳити ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси

Босқичма-босқич ва изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар натижасида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ролини ошириш ва бундай фаолиятни ривожлантиришга қаратилган эътибор мунтазамлик касб этмоқда. Зеро, тадбиркорлик аҳолини иш билан таъминлаш, одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашнинг ва бутун мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Эндиликда бу борада янги қадамлар қўйилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг янги таъсирчан механизмларини жорий этишга ўтилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги фармони бунга асос бўлиб хизмат қилади. Энг аҳамиятли жиҳати, мазкур ҳужжатда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Бу жараёнда албатта миллий ва хорижий қонунчилик тажрибаси ўрганилиши, таҳлил қилиниши ва умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига таянилиши табиий.

Кўп сонли манбаларда ёзилишича, асосий мақсади — тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият йўналиши қатор хориж давлатларида бизнес омбудсман деб аталади. Бугунги кунда Франция, Финляндия, АҚШ, Швейцария, Австрия, Германия, Дания, Норвегия, Швеция, Испания, Австралия, Нидерландия, Буюк Британия, Канада каби давлат бошқаруви турлича бўлган 50 дан ортиқ мамлакатда бизнес омбудсман институти амал қилмоқда. Бундай институтларнинг кўпчилиги миллий ва минтақавий махсус қонунчилик асосида фаолият юритади.

Экспертларнинг таъкидлашича, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатли вакил институти ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектлар билан давлат ўртасидаги мулоқот воситачиси, тадбиркорлик субъектлари қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи қўшимча кафолатдир. Кенгроқ маънодаги таърифига кўра эса бизнесни ривожлантириш йўлидаги муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини бевосита ҳимоя қилиш масаласига жамоат ташкилотлари, ишбилармонлар ҳамда экспертлар доирасини жалб қилишга асосланган давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми саналади.

Жаҳон тажрибасининг таҳлилларига кўра, АҚШда бизнес-омбудсман институти фаолиятига “Кичик бизнесда адолатли ҳуқуқни қўллаш ҳақида”ги қонуни ҳуқуқий асос бўлган. Унинг муҳим вазифаси иқтисодиёт реал секторидаги кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган. АҚШ

миллий омбудсмани Кичик корхоналар ишлари бўйича бошқарма раҳбари томонидан тайинланади.

Франция Иқтисодиёт ва бюджет вазирлигида Омбудсман лавозими таъсис этилган бўлиб, унинг мақсади давлат бошқаруви тизими эътиборини тадбиркорлар ва фуқаролар мурожаатларига қаратишни янада яхшилашга йўналтирилган. Вакил Франция Иқтисодиёт ва молия вазири томонидан уч йиллик муддатга тайинланади ва у амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар йили вазирликка ҳисобот беради.

Грузияда мавжуд Бизнес омбудсман лавозими Солиқ кодекси қоидаларига мувофиқ ташкил этилган. Кодекснинг алоҳида моддаси айтиш масаласига бағишлангани боис мазкур лавозимни кўп ҳолларда солиқ омбудсмани ҳам деб аташади. Вакил мамлакат бош вазири томонидан парламент раиси розилиги асосида тайинланади ва у Бюджет ва молия қўмитасига ҳар йили ҳисоб беради.

Австралияда штатлар ва федерал даражасидаги кичик бизнес масалалари бўйича комиссарлар институти фаолият кўрсатади. Комиссарлар сифатидаги бизнес омбудсманларнинг асосий фаолияти кичик тадбиркорлик ривожига учун қулай шарт-шароитни яратишдан иборат. Вазифалари – бизнес билан давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги тижорий низоларни мақбул тарзда ҳал этишни таъминлаш ҳамда кичик бизнесга маслаҳат ёрдамини тақдим этиш, шунингдек томонларнинг ҳар бири билан музокаралар олиб бориш туфайли муаммоларни ечишга кўмаклашишдан иборат. Бундан ташқари, мазкур мамлакатда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилувчи ва бу соҳа корхоналарига судларнинг аралашувисиз ёрдам берувчи омбудсман фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, бизнес омбудсман институти бошқа шундай фаолиятдан, яъни инсон ҳуқуқлари бўйича омбудсмандан унчалик фарқ қилмайди, уларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифалари ўхшаш. Баъзи бизнес омбудсман институти (Грузияда) қонунчилик ташаббуси ваколатига, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида

конунларга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Айрим институтларга бундай ваколат берилмаган бўлсада, бизнес олами билан бевосита боғлиқ давлат органлари ишини яхшилашга йўналтирилган тавсияларни илгари суриш имконияти мавжуд. Бу каби амалиёт Буюк Британия ва Францияда қўлланилади.

Жаҳон тажрибасида аниқланган яна бир жиҳати шуки, одатда агар шикоят тегишли давлат органларида кўриб чиқиладиган бўлса, у бизнес омбудсман томонидан қабул қилинмайди. Мурожаат қилувчи муайян давлат органи қароридан қониқмаган тақдирда бу масала ечими билан бизнес омбудсман шуғулланиши мумкин.

Айрим бизнес омбудсманлар (АҚШда) мурожаатчидан унинг аризаси илгари қайси давлат органидан кўриб чиқилгани, унинг натижаларини мажбурий тартибда сўрашга ҳақли. Грузия ва Испанияда эса тегишли иш(масала)нинг қисқа мазмуни ва мурожаатчининг ўзи ва манзили ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш кифоя.

Бир қатор мамлакатлар тажрибасида омбудсманга ариза топшириш муддатида чекловлар бор. Масалан, Буюк Британияда тегишли давлат органидан якуний жавоб олинган кундан бошлаб олти ой мобайнида омбудсманга мурожаат қилиш мумкин. Европа омбудсмани кўриб чиқилгандан кейин икки йил ичида ушбу мурожаатни қабул қилади.

Томонлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш бўйича бизнес омбудсманлар ваколатлари ҳам турлича. Европа, Франция, Грузия омбудсманлари томонларга маъқул қарорларни тавсия қилиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Европа омбудсмани жиддий танбеҳ ва тавсиялар асосида ишни тугатиши ва бу охир оқибатда қарорни Европа парламенти тақдим қилишга олиб келади. Франция омбудсмани, агар унинг тавсиялари муаммони ҳал этишга ёрдам бермаса, унда Иқтисодиёт ва молия вазирига мурожаат қилиши мумкин.

АҚШ миллий омбудсманида давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича қизиқ тажриба мавжуд. Бунда давлат

органлари томонидан кичик корхоналар мурожаатларига ўз вақтида эътибор берилиши, мурожаатларнинг сифатли кўриб чиқилиши, миллий конунчиликка, айниқса, “Кичик бизнесда адолатли ҳуқуқни қўллаш ҳақида”ги қонун талабига риоя қилиниши бўйича мавжуд ҳолатга қараб рейтинг баҳоси берилади.

Умуман олганда, бизнес омбудсман фаолияти очик ва шаффоф, яъни вакил амалга оширилган ишлар ҳақида доимий равишда ахборот бериб туради. Бу эса мазкур ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга бўлган ишончни ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Биз хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларини таҳлил қилган ҳолда, кўпчилик хорижий давлатлар учун характерли бўлган қуйидаги асосий йўлларни ажратиб кўрсатамиз:

1. Йирик корхона, фирма ёки контсерндан таркибий бирликни ажратиш;

2. Ҳиссадорлар қизиқишлари доирасида ва молиявий назорат остида бир ёки бир қанча корхоналар (фирмалар) билан аниқ бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кичик ва ўрта корхоналар (фирмалар) ташкил қилиш.

3. Бир ёки бир қанча «жисмоний шахсларнинг» хусусий ташаббуси асосида кичик ва ўрта корхоналар (фирмалар) ташкил қилиш.

Кичик корхоналарни ташкил қилиш йўллари ва ташкил қилиш шакллари: танлаш маълум даражада таъсисчилар олдида турган мақсадлар, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Биз қуйида ривожланган мамлакатларда, Шарқий Европа мамлакатларида кичик ва ўрта корхоналар ташкил қилишнинг ва улар фаолиятининг хусусиятлари тўғрисида батафсилроқ тўхталамиз.

АҚШда кичик ва ўрта корхоналарнинг фаолият соҳалари жуда хилма-хилдир. Кичик бизнеснинг анъанавий соҳаси бўлган-хизмат кўрсатиш соҳасида (53,5%) кейинги ўн йилликларда энг кўп иш ўринлари очилмоқда. Бу ўсишнинг ярмидан кўпи бандлар сони 500 кишигача бўлган корхоналар улушига тўғри келади. Булар асосан, соғлиқни сақлаш, маориф, ҳуқуқий

масалалар бўйича маслаҳат бериш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш корхоналаридир. Йирик корхоналар ёппасига, оммавий хизмат кўрсатиш каби катта жараёнлар билан иш кўради (саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасикорхоналаридаги кийим-кечакларнинг ката партияларини ювиш ва тозалаш, аэропорт ва меҳмонхоналарда ишбилармонлар учун автомобилларга хизмат кўрсатиш). Йирик корхоналар хизматлар соҳасидаги корхоналар билан тез-тез ишбилармонлик муносабатларида бўлса, индивидуал равишда кишилар билан жуда кам муносабатда бўлишади. Бандлар сони бўйича иккинчи ўринни чакана савдо эгаллайди. Бироқ бу эрда асосий ролни йирик фирмалар ўйнаб келган ва ўйнамоқда (фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ва янгиларни ташкил қилиш бу тармоқ учун 75% қўшимча иш ўринларини берди). Америкалик мутахассисларнинг фикрича, «чакана савдони йирик бизнес назорат қилиб туради ва у истеъмолчиларнинг юқори сифат, нисбатан паст баҳолар каби қизиқишгаларига тўлиқ жавоб беради». АҚШ да кичик ва ўрта корхоналар жуда кескин рақобат шароитларида фаолият кўрсатишади. 1980-1990 йиллар мобайнида 5млн. га яқин фирмалар очилди ва ўз навбатида 4 млн. га яқин фирма ёпилди.

Банкротликнинг асосий сабабларидан бири бу ихтисослашмаган раҳбарликда ва унинг лаёқатсизлигидадир. АҚШ мутахас-сислари фикрича, бутун Америка иқтисодиётининг ривожланиши майда бизнеснинг гуллаб-яшнашига маълум даражада боғлиқ. Кичик бизнес давлат томонидан яхши қўллаб-қувватланади ва шунга суянади. 1953 йилда АҚШ Конгресси томонидан Кичик бизнес маъмурияти (КБМ) ташкил қилинди. Шу билан бир вақтда кичик бизнес ҳақида қонун қабул қилинди.

Россиялик олим А.В.Белўх Россия кичик ва ўрта бизнесини тўрт қаватга ажратади: Биринчи, энг юқори «юпқа» қаватда кам сондаги, бандлар сони оз бўлган, аммо капиталлар билан, интенсив ишловчи технологиялар билан тўла қуролланган, Россия бозорини ўзлаштирган ва халқаро бозорда муваффақиятли қадам ташлаётган, катта салоҳиятга эга «бизнес элитаси»

жойлашган. Улар бозорнинг янги ўзлаштирилмаган «оч сегментларига кириб борадилар. Иккинчи қаватда, нисбатан барқарор бўлган аста-секин ривожланаётган, баъзи ҳудудлар бозорлари ўзлаштираётган, ўз мижозлари тармоқларига эга бўлаётган, ходимларини кўпайтираётган, ишлаб чиқариш омилларини уйғунлаштиришни уддалаётган топқирлар жойлашган. Кейинги учинчи қаватда жуда кенг кўламдаги майда фирмалар жойлашган бўлиб, улар тинимсиз яшаш учун курашадилар. Булар каторига кичик дўкончалар, нонвойхоналар, ателелар, сартарошхона, туристик бюролар, кичик ресторанларни кириштириш мумкин бўлиб, уларнинг тақдири кўп омилларга боғлиқ: яқин атрофда ўхшаш рақобатчи фирмаларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги, харидорлар дидларининг ўзгарувчанлиги, маҳаллий раҳбарлар ва текширувчи органларнинг «муносабати» ва ҳ.к. Бундай кичик бизнес субъектларининг «уфқда истиқболи кўриниши анча мураккаб.» Энг пастки қаватда – мустақил банд бўлганлар жойлашади. Унга кичкина оилавий корхоналар (эр ва хотинлар-ники, ота ва болаларники) киради. У аҳолини камроқ таъминланган қатлам-ларига унча мураккаб бўлмаган таъмирлаш хизматлари, тикиш хизматлари кўрсатади ҳамда бу қатламга йўлларда сабзавот, мевалар ва «гўмма» сотувчи кишилар ҳам киради. Улар фақат ўз оиласинитебратиш учунгина ишлашади.

Шарқий Эвропа мамлакатларида кичик ва ўрта корхоналарнинг қуйидаги асосий шакллари кенг тарқалган:

1. Якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи мустақил кичик ва ўрта корхоналар;
2. Бирлашмалар ёки комбинатлар таркибидаги кичик ва ўрта корхоналар (айрим детал ва механизмларни ишлаб чиқарувчи).
3. Бир қанча йирик корхоналарга хизмат кўрсатувчи кичик ва ўрта корхоналар.
4. Инновацион турдаги кичик ва ўрта корхоналар

Хитойда кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиши икки йўналиш бўйича амалга ошади. Шаҳарларда «шаҳар жамоа мулкчилиги корхона-лари»,

қишлоқ жойларида эса «қишлоқ корхоналари» тузилади. Саноат иш-лаб чиқариши ўсишининг умумий ҳажми давлат саноати ҳамда юқоридаги корхоналар ўртасида тенг тақсимланади. «Шаҳар жамоа мулкчилиги» корхоналари кейинги ўн йилликларда 2 марта кўпайди ва «йирик жамоа корхоналари», «майда жамоа корхоналари» га бўлинди. «Қишлоқ корхоналарининг» саноат маҳсулоти ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда. 2017 йилда улар мамлакат саноат маҳсулотининг 25% иниетказиб бердилар. Бу корхоналардаги ишлаётганларнинг ўртача сони 5,2 киши, ишлаб чиқарадиган маҳсулоти ҳажми - 23 минг юан, фойдаси эса 2 минг юан атрофидадир. Аммо, бундай корхоналар ичида гигантлари ҳам бор. 2017 йилда «қишлоқ корхоналарининг» мамлакат экспортидаги улуши 10% ни ташкил қилди. Бошқача айтганда, Хитой иқтисодиётида кейинги йилларда рўй берган муваффақиятлар кичик корхоналар тармоғини ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг исталган мамлакат иқтисодиётига муваффақиятли кириб келиши учун, майда бизнес нормал фаолият кўрсатишини таъминлайдиган маълум бир шарт-шароитлар зарур. Аввало, бу йирик ва майда корхоналар ўртасидаги рақобатни чеклашга тегишлидир. Рақобат корхоналар ўртасида тахминан бир хил катталиқда бўлгандагина, у ижобий рол ўйнайди. Кичик бизнеснинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш масалалари билан бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам ҳар хил ҳукумат ва ҳукуматлараро ташкилотлар шуғулланишмоқда.

Германияда кичик бизнес субъектлари ташкил қилиш ва улар фаолиятига таъсир қилишнинг мукамал тури ишланган бўлиб, у ўз ичига қуйидаги асосий бўлимларни олади;

1. Капитал жамғаришга таъсир қилиш.

- а) Бевосита таъсир қилиш фирманинг таъсис капитали сифатида фойдаланиши учун субсидиялар бериш. Субсидия мақсадли характерга эга ва қайтарилмайди. Унинг ҳажми жисмоний шахс томонидан инвестицияланган пул миқдорининг 20 %ини ташкил қилади, аммо 10000 еуродан юқори эмас.

б) Билвосита таъсир қилиш муҳандислик маслаҳат фирмаларининг хизматлари бўйича давлат дотациялари бериш. Маслаҳат берувчи фирмаларнинг жорий харажатларининг 60%ини ташкил қилади, Бундан ташқари, фирма ташкил қилинган кундан бошлаб икки йил давомида фирма эгаси ташкилий, техник ва молиявий масалалар бўйича маслаҳатларолиши учун 7,5 минг евро миқдорида субсидия олиш ҳуқуқига эга.

2. Кичик ва ўрта фирмаларни молиялаштиришда ва улар фаолиятида давлатнинг иштироки фирма очмоқчи бўлган тадбиркорларга «Кичик ва ўрта фирмаларда мулкка таъсир қилиш дастури»га асосан таъсир қилинади.

а) 300 минг евро миқдорида 20 йилгача муддатда маблағлар ажратиш (биринчи 10 йили фоизлардан озод қилинади. Имтиёзли фоиз ставкаси).

б) «Капиталда иштирок этиш бўйича жамият» ташкил қилиш. Кичик ва ўрта фирмалар ҳақидаги қонунчиликка асосан, биржада қатнашиш имконига эга бўлганлар, воситачилар хизматидан фойдаланишлари мумкин. Солиқимтиёзлари кўзда тутилган.

в) Янги кичик ва ўрта фирмаларни «Европанинг тикланиш дастури» фонди ҳисобига маблағлар билан таъминлаш.

Маблағлар 300 минг евро доирасида бўлиб, янги саноат ва савдо корхоналари учун 10 йил муддатга, қурилиш фирмалари учун эса 15 йил муддатга берилади.

3. Имтиёзли кредитлаш

Кичик ва ўрта фирмалар давлат бюджети маблағлари ҳисобига ташкил қилинганда уларга имтиёзли кредитлар берилади. Йиллик сотув ҳажми 300 млн. евродан ошмаган фирмалар ҳам кредитлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. ЭХМлардан жорий қилиш бўйича шуғулланувчи фирмалар 15 йил муддатга ссудалар олишади.

4. Махсус дастурлар доирасидаги субсидиялар.

а) Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ давлат субсидиялари.

б) Янги мутахассисларни тайёрлаш учун субсидиялар. Ҳар бир ўрганувчи учун субсидиянинг максимал ўлчови — 30000 евро.

5. Кредитни кафолатлаш.

Давлат кичик ва ўрта фирмалар томонидан олинадиган кредитларни кафолатлайди.

Аммо шуни айтиш керакки, 2017 йилда давлат субсидияларидан ҳар 12 фирманинг биттаси фойдаланади. Кўпчилик фирмалар ўзларининг 90% истеъмолларини шахсий маблағлар ҳисобига қондирадилар, қолганлари эса банк кредитлари ҳисобига ўз эҳтиёжларини таъминлайдилар.

6. Солиқлар бўйича имтиёзлар бериш

Германияда 1984 йил 1-январдаги махсус қонунга асосан («Солиққа тортишдан озод қилиш тўғрисида») сармояси 12 минг еврогача бўлган кичик ва ўрта фирмалар «саноат солиғи»дан озод қилинади.

Кичик корхоналар фаолиятини бошқариб туриш ва уларга таъсир қилиш бўйича Японияда юксак тажрибалар йиғилган. Японияда кичик бизнесни таснифлашда иккита мезондан фойдаланилади: низом сармояси ва бандлар сони. Масалан, қайта ишлаш ва тоғ-кон саноатида низом сармояси 100 млн. иена, ишчилар сони 300 гача бўлган, улгуржи савдода мос равишда 30 млн. иена ва 100 кишигача, чакана савдо ва хизматлар соҳасида 10 млн. иена ва 50 кишигача ишчиси бўлган субъектлар кичик ҳисобланади. Аммо, ишчилар сони кўрсаткичи билан бирга ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўрсаткичлар ҳам ишлатилиши мумкин. Чакана савдода 5 кишигача, қайта ишлаш ва тоғ-кон саноатида 20 кишигача ишчиси бўлган субъектлар «партселляр» (жуда майда) корхоналар дейилади. 251949 йилда Японияда «Миллий молия корпорацияси» (ММК таъсис ташкил этилди. Унинг асосий мажбуриятлари молиявий муассаса-лардан маблағлар олишда қийналаётган аҳолининг кенг қатламига кредит бериш. Қоидага кўра ММК шахсий истеъмол учун эмас, балки ишлаб чиқариш фаолияти учун кредит ажратади.

Буюк Британияда кичик корхоналарда бандлар учун энг юқори чегара 24 кишини, ўрта корхоналар учун эса 200 кишини ташкил этади.²⁶ Шарқий

Эвропа мамлакатларида кичик ва ўрта корхона фаолияти учун шароитлар яратиш уч жабҳада ифодаланади:

1. Кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш ва ривожлантириш билан шуғулланувчи махсус органнинг мавжудлиги (Болгарияда-Болгария "индустриал хўжалик ассоциацияси ва хўжалик ташаббуслари банки);

2. Кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш асосан, ҳудудий бошқариш органлари ташаббуси бўйича ўз фаолиятлари соҳасида амалга оширилади (Венгрияда, Полшада);

3. Болгарияда кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиш масалалари билан Болгария Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинладиган текширувчи техник иқтисодий кенгаш шуғулланади. Кенгаш таркибига барча марказий давлат ва хўжалик органлари вакиллари киради. Кенгаш аризалар бўйича конкурс ўтказади. Самарали ишлаётган корхоналарга ҳар йили банк кредитлари берилади.

Биринчи боб бўйича хулоса

Юқорида кўриб чиқилган назарий тушунчалар ва қоидалар асосида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

— Ишбилармонлик муҳитининг иқтисодий мазмунига хусусий тадбиркорлик фаолияти учун зарур шартшароитларни яратишга қаратилган турли йўналиш ва тавсифдаги омиллар (таркибий қисмлар)нинг шунчаки йиғиндиси сифатида қараш нотўғри бўлиб, бундай ёндашув маълум назарий ва амалий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунга кўра, ишбилармонлик муҳитига ўзаро мувофиқ ва мутаносиб тарзда шаклланган ҳамда уйғунликда амал қилувчи таркибий қисмларнинг мажмуи сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

— Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш унинг асосий функцияларидан келиб чиққан ҳолда, яъни бу борадаги ҳар бир муайян чора-тадбир ушбу функцияларни ҳисобга олиб амалга оширилиши лозим.

— Ишбилармонлик муҳитининг амал қилиш тамойилларини билиш ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ушбу тамойиллардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш унинг самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорликнинг ривожланиш жараёни бевосита у ёки бу мамлакатда амал қилаётган иқтисодий механизмлар ва тармоқ хусусиятлари билан боғлиқ. Шу сабабдан ҳам, биз ривожланган капиталистик мамлакатларнинг рақамкўрсаткичлари ва кичик бизнес ривожланиш тажрибасини Ўзбекистондаги амалиёт билан таққослаганда, албатта институционал ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиш даражаси, миллий иқти-содиётининг тармоқ тузилиши ва бошқа ижтимоий маданий хусусиятларини эътиборга олиш зарур деб ўйлаймиз.

**II БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУХИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ
ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган
корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат
қўмитаси маълумотлари асосида)**

**2.1 Давлат рақобат қўмитасининг хусусийлаштириш ва монополияга
қарши курашиш фаолияти таҳлили**

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йил ПФ-5016-сонли "Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида" Фармони билан ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз фаолиятида қуйидагиларга амал қилади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига
- Давлат рақобат қўмитаси Низомига
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йил ПҚ-2897-сонли "Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга

кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.06.2017 йил 419-сонли "Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори

Давлат рақобат қўмитаси ўз фаолиятини бевосита, шунингдек ҳудудий органлар ва унинг идоравий мансуб тузилмалари, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Давлат рақобат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Давлат рақобат қўмитаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, давлат мулкани бошқариш, қимматли қоғозлар бозори, хусусийлаштириш, монополияга қарши сиёсат, рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, биржа, баҳолаш, риелторлик ва реклама фаолияти соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Давлат рақобат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

Давлат рақобат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради ва ўз фаолиятини давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат

ташкilotлари ва бошқа ташкilotлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Давлат рақобат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.


Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари таъминоти, уларни моддий-техник таъминлаш:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
- Давлат рақобат қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва самарадорлигини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлайдиган янги иш ўринларини яратиш, ушбу мақсадларда ваколатли давлат органлари, молия ҳамда бошқа бозор тузилмаларининг Савдо-саноат палатаси ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органлари билан мустаҳкам ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш Давлат рақобат қўмитасининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Қўмита томонидан 2017 йилда 95та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шундан 4та қонун лойиҳаси, 25та Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси, 38та Ҳукумат қарори лойиҳаси ва 22та идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Қўмита томонидан 2017 йилда ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари⁹

Шу билан бир қаторда, келишиш учун вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган 1008та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар (78 та қонун лойиҳаси, 352та Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси, 522 та Ҳукумат қарори лойиҳаси, 56та идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар) лойиҳалари кўриб чиқилди.

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш. Қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини аниқлаш ва хатловдан ўтказиш бўйича 14 та минтақавий Идоралараро комиссиялар тузилди.


⁹Манба. www.gkk.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

Хатлов натижасида аввал хусусийлаштирилган 39631 корхоналарнинг 4094 таси фаолият кўрсатмаётгани, 22921 таси фаолият кўрсатаётгани, 12 616та бино ва иншоотлар бузиб ташлангани ёхуд корхона балансида йўқлиги аниқланди.

2017 йилнинг 31 декабр ҳолатига мулкдорлар ва ташаббускорлар томонидан аввал хусусийлаштирилган корхоналар негизда фаолият кўрсатмаётган ва бўш объектларни тиклаш бўйича 2825 та инвестиция лойиҳалари “йўл ҳариталари” ишлаб чиқилди.

Бугунги кунга келиб, Идоралараро комиссиялар томонидан 2825 та лойиҳа тасдиқланди. Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўргатувчи Республика ўқув марказида ташкил этилган 407 та курсларда 7004 та тингловчи ўз малакасини оширди.

Табиий монополиялар Давлат реестрига киритилган табиий монополия субъектлари сони 3 тага қасқарди ва 10 маҳсулот турлари бўйича 148 тани ташкил этди (4-расм).



4-расм. Табиий монополия субъектлари¹⁰

537 та жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиб, асоссиз ҳисобланган 491,2 млн.сўм истеъмолчиларга қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

¹⁰Манба. www.gkk.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

Ўтган ҳисобот даврида жами бўлиб 57 та бозорлар ўрганилди, шундан 24 таси молия бозори, ноҳалол рақобат масалалари бўйича 131 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 75 таси бўйича рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳолатлари юзасидан иш қўзғатилди, қонунбузарлик ҳолати аниқланмагани сабабли 11 та мурожаат бўйича иш қўзғатилиши рад этилди.

806 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назарда тутувчи 339 та паспорт лойиҳалари бўйича ҳулосалар берилди.

Қўмиитага жами 6602 мурожаатлар келиб тушган, шундан 4952 – ёзма, 1650- ишонч телефони орқали.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида жами 2,3 млрд. сўм қайта ҳисоб китоб қилинди, шундан 2,0 млрд. сўм –ёзма мурожаатлар бўйича, 0,3 млрд. сўм – ишонч телефони орқали тушган мурожаатлар бўйича.


Ўтган ҳисобот даврида жами бўлиб 676 ўрганишлар ўтказилди, шундан 250 та ҳолатда реклама тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши аниқланди. Қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 129 та ёзма кўрсатмалар берилди, 19 та мансабдор шахсга нисбатан 14,2 млн.сўмлик жарима қўлланилди.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва тижорат банклари билан биргаликда 2017-2018 йилларда кам қувватли корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бўш турган давлат мулки объектлари негизида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этган ҳолда янги иш ўринларини яратиш дастурлари ишлаб чиқилиб тасдиқланди ва иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси томонидан маъқулланди.

Ушбу дастурлар доирасида 2017-2018 йилларда 2,9 трлн. сўмлик инвестицияларни, шу жумладан 646,1 млрд.сўм тижорат банкларининг кредит маблағларини жалб этиш режалаштирилган.

Молиявий соғломлаштириш дастурларига киритилган корхоналарга банк кредитларини ажратилишида кўмаклашилди, улар томонидан 3,2 трлн.сўм миқдорида хизматлар кўрсатилди, маҳсулотлар ишлаб чиқилди,

161,7 млн.долл. миқдорида экспорт амалга оширилди, 30,9 мингта иш ўринлари яратилди.



5-расм. Баҳоловчи малака сертификатига эга бўлган шахслар тўғрисида маълумот¹¹.

5-расмдан кўриниб турибдики, 2017 йил август ойига кўра, Баҳоловчи малака сертификатига эга бўлган шахслар сони 9 тани ташкил этган. 2018 йил март ойида эса уларнинг сони 14 тага етди.

Жами бўлиб 25093 та корхона ва муассасалар рўйхатга олинди, шундан 24969 тасига Давлат рақобат қўмитаси органларида рўйхатдан ўтган деган тегишли гувоҳномалар берилди. 20,9 мингта бино ва иншоотлар ижарага берилди, 61,1 мингта иш ўринлари яратилди.

Давлат мулки объектларини ижарага беришдан жами 104,6 млрд.сўм маблағ тушди, шундан 25,8 млрд.сўм маҳаллий бюджетларга йўналтирилди.

Хисобот даврида хусусий секторга 542 та давлат активлари (шундан 365 таси 866,3 млрд.сўм, 120,4 млн.долл. ва 5,0 млн.евро миқдорда инвестиция киритиш ва 12,9 мингта янги иш ўринларини яратиш шарти билан “нол” харид қийматида) умумий қиймати 185,3 млрд.сўм шундан 1,01

¹¹www.gkk.uz

трлн. сўм, 325,7 млн.долл. ва 5,0 млн.евро миқдорида инвестиция мажбуриятлари ҳамда 14,3 мингта янги иш ўринлари яратиш шарти билан сотилди. Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 84 тани (жами республика бўйича хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг 15,5 %), Сурхондарё вилоятида – 64 тани (11,8 %), Андижон вилоятида – 61 тани (11,2 %), Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятида – 52 тадан (9,6 %), Жиззах вилоятида – 50 тани (9,2 %), Фарғона вилояти – 40 тани (7,4 %) ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари


(2017 йил январь-декабрь ҳолатига)¹²

	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан олинган тушумлар	
	бирлик	жамига нисбатан %да	млн.сўм	жамига нисбатан %да
Ўзбекистон Республикаси	542	100,0	228281,2	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	52	9,6	6537,7	2,9
вилоятлар:				
Андижон	61	11,2	5012,8	2,2
Бухоро	9	1,7	8025,1	3,5
Жиззах	50	9,2	3336,1	1,5
Қашқадарё	16	3,0	8293,5	3,6
Навоний	14	2,6	1248,3	0,5
Наманган	52	9,6	29809,1	13,1
Самарқанд	22	4,0	4198,2	1,8
Сурхондарё	64	11,8	3998,0	1,8
Сирдарё	18	3,3	1794,7	0,8
Тошкент	84	15,5	28586,9	12,5
Фарғона	40	7,4	10984,1	4,8
Хоразм	39	7,2	3536,9	1,5
Тошкент ш.	21	3,9	112919,8	49,5

Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга 341 та объект (республика бўйича жами

¹²Манба. www.gkk.uz ва www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди


хусусийлаштирилган объектларнинг 62,9 %), Соғлиқни сақлаш вазирлиги – 66 объект (12,2 %), Халқ таълими вазирлиги – 58 объект (10,7 %), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги – 16 объект (3,0 %), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги – 11 объект (2,0 %), “Навоий кон металлургия комбинати” ДК – 10 объект (1,8 %) тўғри келади (6-расм).



6-расм. 2017 йилнинг январь- декабрида вазирлик ва идоралар кесимида хусусийлаштирилган давлат объектларининг таркиби
(жамига нисбатан % да)¹³

Кам қувватли корхоналар ва бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича 2017-2018 йиллар учун ишлаб чиқилган молиявий соғломлаштириш ҳудудий дастурларига кирган лойиҳалар Тошкент шаҳрида 313 тани ташкил этган.

¹³Манба. www.gkk.uz ва www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди




7-расм 2017 йилнинг январь-декабрида республика ҳудудлари кесимида давлат мулкни сотишдан тушган тушумлар таркиби
(жамига нисбатан % да)¹⁴

2018 йилнинг 1 январ ҳолатига Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш Жамғармасига 228,3 млрд.сўм маблағ тушди шундан 37,3 млрд. сўм республика бюджетига ўтказилди. Ҳудудлар кесимида давлат мулкни сотишдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушимларнинг 49,5 %), Наманган (13,1 %), Тошкент (12,5 %), Фарғона (4,8 %), Қашқадарё (3,6 %), Бухоро (3,5 %) вилоятларига ва Қорақалпоғистон Республикаси (2,9 %) ҳиссасига тўғри келади(7-расм).

¹⁴Манба. www.gkk.uz ва www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

2.2 Рақобат қўмитасининг инвестиция мажбуриятлари бажарилиш ҳолати таҳлили ва тадбиркорлик субъектлари тавсифи

2017 йилда инвестиция мажбуриятлари бажарилиши устида олиб борилган мониторинглар давлат активларини олди-сотди шартномалари бўйича инвесторлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларни бажарилиши устидан мониторинг давом эттирилди. Натижада, 216 та шартнома бўйича умумий қиймати 2,9 млн.долл. ва 176,6 млрд.сўмлик инвестиция мажбуриятлари бажарилишига ва 4913 дан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилишига эришилди.



8-расм. 2017 йилда давлат мулкани ижарага бериш бўйича тезкор маълумот(жамига нисбатан % да)¹⁵

Давлат нотуаржой фондидан самарали фойдаланиш мақсадида 2017 йилда объектларни ижарага бериш бўйича 31,6 мингдан ортиқ ижара

¹⁵Манба. www.gkk.uz ва www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

шартномалари тузилди. Бунинг натижасида 17,1 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Давлат мулкни ижарага беришдан тушган тушумлари жами 104,6 млрд. сўмни ташкил этди. Худудлар кесимида давлат мулкни ижарага беришдан тушган тушумларнинг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча тушумларнинг 45,1 %), Тошкент (8,2 %), Андижон (5,8 %) ва Самарқанд (5,4 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади (8-расм).

2018 йилнинг 1 январ ҳолатига умумий суммаси 442,3 млн. долл. ва 2,2 трл.сўмлик 985 та шартнома шартлари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориляпти. Ушбу шартномалар бўйича бажарилган инвестиция мажбуриятларининг умумий ҳажми 147,2 млн.долл. ва 1,02 трлн.сўмни ташкил этди, 9497 янги иш ўринларини яратилишига эришилди.

2018 йилнинг 1 январ ҳолатига 692 та (139 та АЖ ва 553 та МЧЖ) давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан 235 та (96 та АЖ ва 139 та МЧЖ) Давлат активларини бошқариш марказига берилган корхоналар фаолияти мониторинг қилинди.

Қимматли қоғозлар бозорининг умумий айланмаси 22,2 трл.сўмни ташкил қилди, бу кўрсаткич ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 1,5 мартага кўп.

Акцияларнинг ташкиллаштирилган бозорида 2942 та 302,5 млрд.сўмлик акциялар ва 2,0 млрд.сўмлик корпоратив облигацияларни сотиш-олиш шартномалари тузилди.

Акциялар ва корпоратив облигациялар иккиламчи бозорининг ялпи айланмаси 3,4 трлн.сўмни ташкил этди, шундан акцияларни ташкиллаштирилган бозорида 302,5 млрд.сўм (2942 та битим) ва ташкиллаштирилмаган бозорда 3,1 трлн.сўм (4332 та битим).

Ўтган ҳисобот даврида баҳолаш фаолиятини лицензиялаш бўйича Эксперт комиссияси томонидан 29 та юридик шахсдан тушган материаллар кўриб чиқилди, 19 та лицензия берилди.

Жами бўлиб, 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига 255 та лицензия берилиб, шундан 219 таси амалда (192 таси бизнесни баҳолаш, 22 таси кўчар мулкни

баҳолаш, 5 таси кўчмас мулкни баҳолаш), 36 та лицензиянинг ҳаракати тўхтатилди.

Риелторлик фаолиятини лицензиялаш бўйича Эксперт комиссияси томонидан 41 та юридик шахснинг материаллари кўриб чиқилди, 30 та лицензия берилди.

Жами бўлиб, 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига 301 та лицензия берилиб, шундан 261 та лицензия амалда, 40 тасини ҳаракати тўхтатилган.

Қўмита, унинг ҳудудий органлари ва таркибий тузилма ташкилотлари томонидан оммавий ахборот воситаларида 4656 та чиқишлар амалга оширилиб, шундан 1272 таси телевидение ва 742 таси радио орқали, республика, вилоятлар ва идоравий газеталар нашрларида 978 та мақолалар чоп этилди, 1078та эълонлар берилди, 587 та семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

2017 йил давомида давлат активлари сотилиши бўйича рўйхатга олинган 1336 та олди-сотди шартномалари бўйича 470,7 млн. АҚШ доллари ва 2 479,6 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилиши назоратга олинган. Шулардан, 15 та олди-сотди шартномалари хорижий инвесторлар билан тузилган.

Юқоридаги шартномаларга кўра, бажарилган инвестициялар умумий миқдори 149,0 млн. АҚШ доллари ва 1 155,9 млрд. сўмни ташкил этди. Инвестиция киритиш даврида 14470 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

2-жадвал

2017 йил давомида Республикада амалга оширилган ишлар¹⁶

Давлат активлари сотилиши бўйича рўйхатга олинган жами олди-сотди шартномалар сони	1336 та	Жумладан, бекор қилинган шартномалар сони	135 та
Киритилган инвестициялар миқдори	470,7 mln. AQSH dollari va 2 479,6 mlrd. so'm	2017 йилда бажарилган инвестициялар умумий миқдори	149,0 mln. AQSH dollari va 1 155,9 mlrd. so'm

¹⁶Манба. www.gkk.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

Яратиладиган янги иш ўринлари	14470 та	Ҳозирда яратилган янги иш ўринлари миқдори	9497 та
-------------------------------	----------	--	---------

Жорий йилда 1336 та олди-сотди шартномаларидан 135 та шартнома бекор қилинди, 216 та шартнома бўйича инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилди ва қабул қилинди.

2-жадвалга кўра, 2017 йил давомида давлат активлари сотилиши бўйича рўйхатга олинган 1336 та олди-сотди шартномалари бўйича 470,7 млн. АҚШ доллари ва 2 479,6 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилиши назоратга олинган. Бажарилган инвестициялар умумий миқдори 149,0 млн. АҚШ доллари ва 1 155,9 млрд. сўмни ташкил этди. Инвестиция киритиш даврида 14470 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

3-жадвал

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

(2018 йилнинг 1 январь ҳолатига)¹⁷

¹⁷Манба. www.gkk.uz ва www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	минг бирлик	жамига нисбатан % да	минг бирлик	жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	300,2	100,0	285,5	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	14,4	4,8	13,7	4,8
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	26,0	8,7	24,6	8,6
Бухоро	16,5	5,5	15,6	5,4
Жиззах	12,8	4,3	12,0	4,2
Қашқадарё	19,2	6,4	18,5	6,5
Навоний	9,8	3,2	9,5	3,3
Наманган	21,0	7,0	19,9	7,0
Самарқанд	22,5	7,5	21,1	7,4
Сурхондарё	14,4	4,8	13,7	4,8
Сирдарё	10,1	3,4	9,4	3,3
Тошкент	30,8	10,2	26,9	9,4
Фарғона	26,0	8,7	25,6	9,0
Хоразм	14,3	4,7	13,7	4,8
Тошкент ш.	62,4	20,8	61,3	21,5

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 300,2 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 285,5 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,1 % ини ташкил қилди.

Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Тошкент шаҳрида (20,8 %), Тошкент (10,2 %), Фарғона ва Андижон (8,7 %) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади (3-жадвал).

4-жадвал


Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2018 йилнинг 1 январь ҳолатига)¹⁸

¹⁸Манба. www.gkk.uz ва www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	минг бирлик	жамига нисбатан % да	минг бирлик	жамига нисбатан % да
Жами	300,2	100,0	285,5	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	22,6	7,5	21,0	7,4
саноат	51,4	17,1	49,2	17,2
қурилиш	25,5	8,5	24,1	8,5
савдо	67,4	22,4	63,2	22,1
ташиш ва сақлаш	12,5	4,2	12,0	4,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	18,2	6,1	17,1	6,0
ахборот ва алоқа	6,8	2,3	6,4	2,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6,0	2,0	5,8	2,0
бошқа фаолият турлари	89,8	29,9	86,7	30,4

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 22,4 %), саноат (17,1 %), қурилиш (8,5 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (7,5 %) соҳаларига тўғри келади (4-жадвал).

2018 йил 1 январь ҳолатига 244,9 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 75,8 мингта, оилавий корхоналар – 12,2 мингта, масъулияти чекланган жамиятлар – 148,9 мингта, акциядорлик жамиятлари – 0,7 мингтани ташкил этади.



9-расм. Рўйхатга олинган юридик шахслар-ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, (минг бирликда)¹⁹.

Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 95,1 % ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 4,9 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда 1,1 фоиз пунктга камайган.

2017 йилнинг охирига жами 41,0 мингдан ошиқ янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 38,2 мингта), ёки 2016 йилга нисбатан 25,2 % кўпроқ. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (10,1 мингта), Тошкент (4,2 мингта), Фарғона (3,5 мингта) ва Самарқанд (3,4 мингта) вилоятларига тўғри келади. Энг кам эса Сирдарё (1,3 мингта), Навоий (1,3 мингта) ва Хоразм (1,7 мингта) вилоятларга тўғри келади.

¹⁹Манба. www.gkk.uz ва www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

**Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар
бўйича сони²⁰**

	01.01.2017й. ҳолатига		01.01.2018й. ҳолатига.	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	210594	100,0	229666	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	9638	4,6	10539	4,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	21713	10,3	20342	8,9
Бухоро	11615	5,5	12648	5,5
Жиззах	8013	3,8	9310	4,1
Қашқадарё	13785	6,6	14347	6,2
Навоий	6731	3,2	7569	3,3
Наманган	14667	7,0	15949	6,9
Самарканд	13981	6,6	16005	7,0
Сурхондарё	9418	4,5	10409	4,5
Сирдарё	6954	3,3	7462	3,3
Тошкент	19458	9,2	21647	9,4
Фарғона	17802	8,5	20225	8,8
Хоразм	10384	4,9	10900	4,7
Тошкент ш.	46435	22,0	52314	22,8

2018 йил 1 январь ҳолатига Республикамизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 229,6 мингдан ортиқни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 9,1 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 52314 таси (жами субъектларнинг 22,8 %) Тошкент шаҳрига, 21647 таси (9,4 %) Тошкент, 20342 таси (8,9 %) Андижон ҳамда 20225 таси (8,8 %) Фарғона вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 7462 таси (3,3 %) Сирдарё, 7569 таси (3,3 %) Навоий, 9310 таси (4,1 %) Жиззах, 10409 таси (4,5 %) Сурхондарё вилоятларига ҳамда 10539 таси (4,6 %) Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссалари тўғри келади (5-жадвал).

²⁰Манба. www.gkk.uz ва www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

2018 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 5517 тани ташкил этди. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳар 3624 та (65,7 %), Тошкент 583 та (10,6 %) ва Самарқанд 280 та (5,1 %) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Хоразм 51 та (0,9 %), Қашқадарё 54 та (1,0 %), Сурхондарё 57 та (1,0 %) ва Навоий 60 та (1,1 %) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади (6-жадвал).

6-жадвал

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши²¹

	бирлик	жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	5517	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	76	1,4
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	172	3,1
Бухоро	91	1,6
Жиззах	82	1,5
Қашқадарё	54	1,0
Навоий	60	1,1
Наманган	103	1,9
Самарқанд	280	5,1
Сурхондарё	57	1,0
Сирдарё	85	1,5
Тошкент	583	10,6
Фарғона	199	3,6
Хоразм	51	0,9
Тошкент ш.	3624	65,7

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 2438 таси (44,2

²¹Манба. www.gkk.uz ва www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

%) саноат, 1055 таси (19,1 %) савдо, 291 таси (5,3 %) қурилиш, 220 таси (4,0 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 161 таси (2,9 %) ташиш ва сақлаш, 159 таси (2,9 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 126 таси (2,3 %) ахборот ва алоқа, 74 таси (1,3 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва 993 таси (18,0 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади(7-жадвал).

7-жадвал

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2018 йилнинг 1 январь ҳолатига)²²

	бирлик	Жамига нисбатан % да
Жами	5517	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	159	2,9
саноат	2438	44,2
қурилиш	291	5,3
савдо	1055	19,1
ташиш ва сақлаш	161	2,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	220	4,0
ахборот ва алоқа	126	2,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	74	1,3
бошқа фаолият турлари	993	18,0

²²Манба. www.gkk.uz ва www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

Ҳозирги кунда давлат активлари сотилиши бўйича рўйхатга олинган 985 та олди-сотди шартномалари бўйича 442,3 млн. АҚШ доллари ва 2 206,7 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилиши назоратга олинган. Мазкур шартномаларга кўра, бажарилган инвестициялар умумий миқдори 147,1 млн. АҚШ доллари ва 1 025,4 млрд. сўмни ташкил этди. Инвестиция киритиш даврида 9497 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Амалдаги шартномаларга кўра, йил бошидан инвесторлар томонидан 16,1 млн. АҚШ доллари ва 575,9 млрд. сўм инвестиция киритилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда киритилган инвестициялар ҳажми 40,4 млн. АҚШ доллари ва 594,3 млрд. сўмни ташкил этди.


Ҳисобот даврида 216 та олди-сотди шартномалари шу жумладан, 95 та “нол” харид қийматида тузилган шартномаларга асосан киритилган умумий миқдори 2,9 млн. АҚШ доллари ва 176,6 млрд. сўм миқдоридаги инвестициялар комиссия томонидан қабул қилинган ҳамда инвестиция ҳисобидан янги 4913 та иш ўринлари яратилган.

Шу билан бирга, йил бошидан 252,8 млн АҚШ доллари ва 1 021,6 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритиш шарти билан 465 та олди-сотди шартномалари расмийлаштирилган бўлиб, шундан 432 та паст рентабелли, иқтисодий ночор давлат активлари ва бўш турган бинолар “нол” харид қийматида 252,8 млн АҚШ доллари ва 875,4 млрд. сўм инвестиция киритиш мажбурияти билан сотилган.

2.3 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори ривожланиш ҳолати таҳлили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2017 йилнинг январь—декабрида 38,2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари ташкил этилди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122 % га кўпдир). Энг кўп

кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 27 %), савдо соҳасида (21 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (13 %) ва қурилишда (10 %) ташкил этилган (10-расм).




10 расм. 2017 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши (% да)²³

2018 йил 1 январь ҳолатига республикамізда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) 229666 тани ташкил этди.

2018 йил 1 январь ҳолатига ўртача ҳар 1000 нафар аҳолиги тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони 12,2 бирликни ташкил этади ёки ўтган йилга нисбатан 107,0 % га тенг.

Ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри (21,2 бирлик), Сирдарё (16,9 бирлик), Жиззах (15,0 бирлик) ва Тошкент (14,2 бирлик) вилоятларига тўғри келади (11-расм).

²³Манба. www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди



11- расм. 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кичик корхона ва микрофирмалар сони (бирлик)²⁴

2017 йилнинг январь–декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

²⁴Манба. www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 57 095,6 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 39,6 %) ёки 2016 йилнинг январь–декабрга нисбатан ўсиш суръати 102,1 %ни ташкил қилди;

– 19 407,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 32,0 %и) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь–декабрга нисбатан ўсиш суръати 95,5 %ни ташкил қилди;

– 22 173,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 65,1 %) бажарилди ва 2016 йилнинг январь–декабрга нисбатан ўсиш суръати 103,2 % ни ташкил қилди;

– 68 161,9 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб (республика жами хизматлар ҳажмининг 58,4 %), 2016 йилнинг январь–декабрга нисбатан ўсиш суръати 99,9 % ни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 88,4 % ёки 93 508,0 млрд. сўми (ўсиш суръати 1,1 % ни ташкил қилди) шакллантирилди;

– автомобиль транспорти юк айланмасининг 5,3 %га (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 77,9 %и) кўпайиши таъминланди;

– йўловчи айланмасининг эса 3,1 % га (умумий йўловчи айланмасининг 94,8 %) кўпайиши таъминланди;


– 10 587,7 минг нафар кишининг ёки жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,3 % бандлиги таъминланди (ўсиш суръати 1,8 %);

– 3 763,5 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 27,0 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2016 йилга нисбатан 624,4 млн. АҚШ долларига ёки 19,9 % га кўп;

Товар ва хизматлар экспорт қилувчи кичик корхоналар ва микрофирмалар сонининг кўпайиши, экспорт ҳажмининг ошишига имконият яратди. 2016 йил билан солиштирганла уларнинг сони 1310 тага кўпайиб, асосан саноат (733), савдо (329), қишлоқ хўжалиги (162) корхоналаридир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз миллий иқтисодиётини модернизация қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим роль ўйнашини куйидаги маълумотлар далолат беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиёт тармоқларидаги улуши экспортда – 27,0 % ни (2016 йилнинг январь-декабрида 26,0 %), саноатда – 39,6 % ни (45,3 %), хизматларда – 58,4 % ни (61,4 %), қурилишда – 65,1 % ни (66,9 %) ва бандликда – 78,3 % ни (78,2 %) ташкил этди (12-расм).




12-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши
(умумий ҳажмига нисбатан % да)²⁵

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳатлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бормоқда, хусусий сектор давлатимиз иқтисодиётида ўз ўрнини янада мустаҳкамламоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг энг юқори улуши қишлоқ хўжалигида – 99,0 %, йўловчи

²⁵Манба. www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

айланмасида – 94,8 %, савдода – 88,4 %, бандликда – 78,3 %, юк айланмасида – 77,9 %(13-расм).



12-расм

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий иқтисодий фаолият турларидаги улуши (% да)²⁶

Худудлар бўйича саноат тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг энг кўп улуши Тошкент шаҳри (71,3 %), Наманган (68,4 %) ва Жиззах (61,3 %) вилоятлари ташкил этди.

²⁶Манба. www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

**2017 йил январь-декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
худудлар бўйича улуши (% да)²⁷**

	<i>Саноат</i>	<i>Хизматлар</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Бандлик</i>
Ўзбекистон Республикаси	39,6	58,4	65,1	78,3
Қорақалпоғистон Республикаси	18,0	61,3	79,2	75,2
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	34,4	73,7	94,3	84,5
Бухоро	43,4	74,9	67,8	78,5
Жиззах	61,3	74,2	91,3	82,0
Қашқадарё	23,1	71,9	76,8	80,0
Навоний	18,8	67,3	75,4	60,3
Наманган	68,4	73,7	93,9	83,4
Самарқанд	55,5	76,5	92,3	84,5
Сурхондарё	45,8	76,3	79,4	81,1
Сирдарё	44,9	66,4	91,4	79,5
Тошкент	29,6	76,2	79,2	77,0
Фарғона	41,4	75,9	89,0	80,5
Хоразм	40,6	71,4	87,2	82,9
Тошкент ш.	71,3	51,1	66,8	56,8

Хизматлар соҳасининг юқори улушини Самарқанд (76,5 %), Сурхондарё (76,3 %), Тошкент (76,2 %), Фарғона (75,9 %), Бухоро (74,9 %), Жиззах (74,2 %) ва Андижон (73,7 %) вилоятлари ташкил этади.

Қурилишда Андижон (94,3 %), Наманган (93,9 %) ва Самарқанд (92,3 %) вилоятлари ташкил қилади.

Бандликда эса, Андижон ва Самарқанд вилоятлари (84,5 %), Наманган (83,4 %), Хоразм (82,9 %) вилоятлари ташкил этади.

²⁷Манба. www.stat.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

2017 йилнинг январь-декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИИДаги улуши 53,3 % ни ташкил қилди (2016 йилнинг январь-декабрида 56,2 %).

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2017 йил IV- чорак якунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 900 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумлотлари таҳлили, саноат тармоғидаги респондентларнинг 24,9 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 59,7 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда қурилишда – 22,1 % ва 53,5 %, савдо соҳасида – 25,6 % ва 59,8 %, хизматлар соҳасида – 26,7 % ва 59,2 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 24,8 % ва 59,0 % ни ташкил қилганини кўрсатди.

Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда – 15,4 %, қурилишда – 24,4 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 16,2 %, савдода – 14,6 %, хизматларда – 14,1 % ни ташкил қилди.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Ҳисобот даврида хусусий секторга 542 та давлат активлари (шундан 365 таси 866,3 млрд.сўм, 120,4 млн.долл. ва 5,0 млн.евро миқдорда инвестиция киритиш ва 12,9 мингта янги иш ўринларини яратиш шарти билан “нол” харид қийматида) умумий қиймати 185,3 млрд.сўм шундан 1,01 трлн. сўм, 325,7 млн.долл. ва 5,0 млн.евро миқдорида инвестиция мажбуриятлари ҳамда 14,3 мингта янги иш ўринлари яратиш шарти билан сотилди. Ҳисобот даврида энг кўп хусусийлаштирилган объектлар сони Тошкент вилоятида 84 тани (жами республика бўйича хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг 15,5 %), Сурхондарё вилоятида – 64 тани (11,8 %), Андижон вилоятида – 61 тани (11,2 %), Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятида – 52 тадан (9,6 %), Жиззах вилоятида – 50 тани (9,2 %), Фарғона вилояти – 40 тани (7,4 %) ташкил этди .

2017 йилда инвестиция мажбуриятлари бажариши устида олиб борилган мониторинглар давлат активларини олди-сотди шартномалари бўйича инвесторлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларни бажарилиши устидан мониторинг давом эттирилди. Натижада, 216 та шартнома бўйича умумий қиймати 2,9 млн.долл. ва 176,6 млрд.сўмлик инвестиция мажбуриятлари бажарилишига ва 4913 дан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилишига эришилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2017 йилнинг январь—декабрида 38,2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари ташкил этилди (бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122 % га кўпдир). Энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 27 %), савдо соҳасида (21 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (13 %) ва қурилишда (10 %) ташкил этилган

III БОБ. МАМЛАКАТДА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1 Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаётган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди, давлат хизматлари кўрсатишнинг тўғридан-тўғри мулоқотсиз замонавий интерактив шакллари жорий этилмоқда, давлат билан ишбилармонлар ўртасида тизимли мулоқот йўлга қўйилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрта синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг энг муҳим омили сифатида кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Шу билан бирга, тараққиётнинг ҳозирги босқичида юзага келган иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масалаларида шаклланган ёндашувларни қайтадан кўриб чиқиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг янги тизими яратилишини тақозо этмоқда.

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада фаол жалб этиш ва хусусий бизнесини бошлашга, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча босқичларида юзага келаётган муаммоларни ортиқча сарсонгарчиликларсиз ва қоғозбозликсиз тезкор ҳал этишга хизмат қиладиган бозор инфратузилмасининг барқарор ишлаши ва янада ривожланишини мувофиқлаштирувчи амалий механизмнинг самарали тизимини яратиш зарур.

Шу ўринда, мақоми, фаолият йўналиши ва кўлами, мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятидаги муаммо ва камчиликларунинг вазифалари, фаолият йўналишлари ва ваколатларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш ҳозирги куннинг муҳим масаласи бўлиб қолмоқда. Хусусий тадбиркорликни макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини ошириш хусусий тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринларининг нисбатан кўпроқ ташкил этиш сабаблари билан боғлиқдир. Бу хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилаётган иш ўринлари қийматининг пастлиги, мазкур соҳада яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг жонли меҳнат сиғимини юқорилиги, янги ташкил этилаётган хусусий тадбиркорлик корхоналари сонининг йирик корхоналарга нисбатан кўплиги ва янгидан ташкил этилаётган йирик ёки ўрта корхоналар пировардида яна хусусий тадбиркорлик корхоналаридаги иш ўринларининг кўпайишига олиб келиши сабаб бўлади.

Ёшларни инновацион фаолиятга асосланган хусусий тадбиркорлик корхоналарига кўпроқ жалб этилиши ҳам макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги хусусий тадбиркорлик субъектларининг аҳамиятини янада оширади ҳамда рақобат муҳитига ижобий таъсир кўрсатади. Бу вазифани ҳал этиш ёшлар томонидан илмий ғоя ва ихтироларнинг яратилишини рағбатлантириш, уларни амалга оширилишини таъминловчи ихтисослаштирилган лойиҳалаштириш корхоналари фаолиятини кенгайтириш, таркибида касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари талабалари салмоғи юқори бўлган меҳнат жамоаларига инновацион бизнес режаларнинг имтиёзли асосда тақдим этилишини таъминлаш, ёш мутахассисларнинг илмий ғоялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишни рағбатлантирувчи ва мувофиқлаштирувчи муассасалар фаолиятини

фаоллаштириш ҳамда республика миқёсида ёшлар томонидан илгари сурилган илмий ғоялар ва ишланмалар танловини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Ишбилармонлик муҳитини янги сифат босқичига қўтариш, хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш, микрокредитлашни кўпайтириш, кредит ажратиш механизмларини янада такомиллаштиришга эътибор қаратилиши лозим. Ҳозирги кунда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар мавжуд.

- давлат органлари, тадбиркорларнинг жамоат ташкилотлари ва тижорат тузилмалари билан ҳамкорлигини таъминловчи механизмни самарали иш олиб бормаётгани;

- рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, экспорт ҳажмини ошириш, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, қўшимча ишчи ўринларни ташкил этишни етарли даражада молиялаштирилмаётгани;

- доимий фаолият кўрсатадиган кўргазма ва технологик ускуналар, минни технологиялар ярмаркаларини тез-тез ташкил этилмаётгани;

- хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини пастлиги;

- хусусий тадбиркорлик соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш институтларининг камлиги.

Хусусий тадбиркорликни молиявий ресурслар билан таъминлаш йўналишда қуйидаги муаммолар мавжуд:

- молиялаштириш ва суғурта лойиҳаларини амалга киритишни кенгайтириш ва кафолат бериш механизмини такомиллаштиришга эътиборнинг пастлиги;

- бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига имтиёзли кредитлаш ва микрокредитлаш ҳажмининг кичиклиги;

- хусусий тадбиркорлик субъектларига лизинг асосида ускуналар сотиб олишни маблағлар билан таъминлашда етарлича маблағнинг мавжуд эмаслиги;

- тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини оширишга қаратилган кредитлар бериш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар;

- маҳаллий хом-ашёдан чет эл кредит линияларини, шунингдек миллий валютадаги маблағларни жалб этган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган мини ускуналар яратиш амалиёти самарали ишламаётган.

Мамлакатимизда янада қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, ишбилармонлик муҳитини янги сифат босқичига кўтариш ва хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашда банкларнинг фаол иштироки таъминлаш ҳам ҳозирги куннинг ҳал этиш лозим бўлган муаммосидир. Ўз навбатида, хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни давом эттириш мақсадида ушбу сектор иштирокчилари учун молия-кредит ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор воситалари, механизмлари ва амалиёти такомиллаштириб борилади.

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш мақсадида халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини жалб қилиш ва ўзлаштириш ишларида ҳам самарадорлик кўрсаткичларини унчалик юқори эмас.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса оилавий тадбиркорликни кредитлаш билан боғлиқ муаммолар қуйидагилардан иборат:

- Кичик бизнес субъектларининг миллий иқтисодиёт ривожини таъминлашдаги ўрнини баҳолаш;

- Кичик бизнес субъектлари фаолятининг молиявий асосларини таҳлил қилиш ва кўрсатиш;

- Амалиётда кичик бизнес соҳасини ҳар-хил манбалар орқали молиялаштиришни таҳлил қилиб, уни оптимал услубларини кўрсатиш ва уни такомиллаштириш;

- ривожланган давлатларда оилавий тадбиркорликни кредитлашни тараққий этиш тажрибасини ўрганиш асосида уни республикада қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- оилавий тадбиркорликни кредитлашни қўллаб – қувватлашда нодавлат ташкилотларнинг ва нобанк молиявий институтларнинг фаоллигини ошириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

- молиялаштиришнинг лизинг шаклидан оилавий тадбиркорлик фаолятини ривожлантиришда фойдаланиш тизимини ўрганиб, уни кенг миқёсда амалиётга тадбиқ қилиш йўллариини белгилаш.

- оилавий тадбиркорликни кредитлашда бюджетдан ташқари фондлар ва марказлашган ресурслар ҳиссаси камлиги;

- оилавий тадбиркорликни кредитлашда фоиз ставкалари ва бошқа чекламалар мавжудлиги ва бунга муқобил равишда ушбу соҳани кредитлаш борасидаги имтиёзлар камлиги, бунинг натижасида банкни оилавий тадбиркорликни кредитлашдаги манфаатдорлигининг камлиги;

- Банкларнинг оилавий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнидаги ташкилий муаммолар;

- Мижозни кредитга лаёқатлилигини аниқлашда банклардаги ахборотлар етишмаслиги муаммолари;

- Банкларнинг кредит таъминотлари ва уларнинг реализацияси билан боғлиқ муаммолар.

Хусусий тадбиркорлик фаолятининг келажаги Хусусий тадбиркорлик муҳити билан белгиланади, у эса жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни акс эттиради. Ижтимоий-иқтисодий вазиятга иқтисодий мустақиллик,

тадбиркорлар синфи, иқтисодий алоқаларда бозорнинг устуворлиги, Хусусий тадбиркорлик капиталини мужассамлантириш шароитининг мавжудлиги ва керак бўлган ресурсларни ишлатиш киради.

Хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий мустақаллик даражаси бозорда вужудга келаётган мустақил корхона ва ташкилотлар сони билан тавсифланади.

3.2 Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш йўналишлари

Хусусий тадбиркорлик маълум бир ҳудудда: мамлакат, вилоят, шаҳар ёки қишлоқ миқёсида олиб борилади. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш учун маълум бир ишчи муҳити бўлиши керак.

Бундай муҳит айрим ҳудудлар миқёсида мужассамланиб, ўзида ишбилармонлик функцияларини амалга оширишни мужассамлантирган. Умумий ҳолда Хусусий тадбиркорлик муҳити асосан қуйидаги тўртта омил: ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғликлиги натижасида амалга оширилади. Улар ижобий ёки рағбатлантириш кўринишида ҳам шаклланиши мумкин. Ушбу ҳолда мамлакат ёки минтақадаги мавжуд шарт-шароитлар Хусусий тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун мос бўлади. Чунки, бундай муҳит тадбиркорга амалга ошираётган ишларининг натижалари қандай бўлишини олдиндан кўра билишига кенг имконият туғдиради. Тадбиркорнинг ўз иши натижаларини олдиндан кўра билиши таваккаллик тушунчасига тескари ҳолда ифода этилади. Агар тадбиркор маълум бир муҳитда таваккалчилик асосида фаолият кўрсатаётган бўлса, у ҳолда у ўзгарувчанлик, барқарорсизлик, таваккалчилик билан тавсифланади. Бундай муҳит юқорида келтирилган ижобий муҳитга тўғри келмайди. Амалда кўп ҳолларда Хусусий тадбиркорлик муҳитининг маълум бир омили тадбиркорнинг иш натижаларига асосий таъсир кўрсатади, деб

бўлмайди. Чунки, тадбиркорни кўпроқ Хусусий тадбиркорлик муҳитини белгиловчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги қизиқтиради.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция муҳити ва ишбилармонлик ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари устуворлигини, хусусан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувлардан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлаб берадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Бугунги кунда юртимизда 525 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғи кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган бўлиб, улар республикамиз меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 78 фоиздан ортиғини иш билан таъминламоқда.

Шу билан бирга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш, жумладан, бизнес соҳаси вакиллари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва фойдали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, вилоятлар ва туманларда бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига, аввало, вилоятлар, шаҳар ва туманларда сифатли давлат хизматлари тақдим этилишини таъминлаш давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини, айниқса, тадбиркорлик субъектлари

фаолиятини энди бошлаган даврларда уларни қўллаб-қувватлашнинг янги самарали тизимини яратишни тақозо этади.

Юқорида кўрсатилган вазифаларнинг ҳал этилиши нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, мақоми, йўналиши ва фаолияти кўлами, мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик субъектларини бирлаштириб турувчи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан таъминланиши кўзда тутилган.

Ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида:

— тадбиркорликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши устидан жамоат экспертизасини ташкил этиш ва жамоат назоратини кучайтиришга кенг жалб қилиш;

— тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат дастурлари, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш;

— тадбиркорлик субъектларини ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга фаол жалб қилиш, тадбиркорлик тузилмалари билан биргаликда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизасини, жумладан, саноат, транспорт, қурилиш, молия, ахборот-коммуникация технологиялари, савдо ва хизматлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа соҳалар бўйича эксперт кенгашларини ташкил этиш;

— тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини мустаҳкамлаш, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришни кучайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

— республика туманлари (шаҳарлари), вилоятлари кесимида жойлардаги ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ҳамда қонунчиликдаги

меъёрлар ва талабларнинг амалга оширилиши натижалари бўйича ҳар чоракда таҳлил ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли органларга уларни яхшилаш бўйича таҳлилий материаллар ва таклифларни тақдим этиш

Тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш соҳасида – тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш, юритиш ва янада ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш, давлат органлари ва бозор инфратузилмаси субъектлари хизматларидан фойдаланиш имкониятлари ва шароитларини тақдим этиш, маслаҳат ёрдами ва ахборот таъминотини тақдим этишда кўйидагилар орқали кўмаклашиш:

— янгидан фаолият бошлаётган тадбиркорларни жойлаштириш учун бизнес-инкубаторлар яратиш ва фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларга бизнес-режаларни тайёрлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олиш ва амалий масалаларни ҳал этишда эксперт, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш;

— тадбиркорларнинг инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштириши, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олишга кўмаклашишини таъминлаш;

— тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда, улар фаолияти бўйича текширувлар ўтказилганида тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ва юридик ёрдам кўрсатиш;

— молиявий ва товар-хомашё ресурслари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, технологик машиналар ва қурилмалар, ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, ер участкаларидан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатиш;

— Савдо-саноат палатаси аъзолари ва ҳамкорлари иштирокида жамоатчилик асосида кўмиталар, ишбилармонлик ва мувофиқлаштириш кенгашларини ташкил этиш;

— инновация тадбиркорлигини жорий этишга, «startup» лойиҳалар, ёшларнинг, авваламбор олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг ўз бизнесини ташкил қилиш ва юритишга, шунингдек, аҳоли бандлиги ва даромадларининг жадал ўсишини таъминлашга хизмат қиладиган кичик, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, касаначиликнинг турли шакллари жадал ривожлантиришга фаол кўмаклашиш.

Давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида

— давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари – қонунчилик, суд ва ижро ҳокимиятлари, шунингдек, банк-молия ташкилотлари ва бозор инфратузилмасининг бошқа субъектлари билан ўзаро ҳамкорликнинг самарадорлигига хизмат қиладиган тизимнинг янги шакллари жорий этиш;

— тадбиркорлик субъектлари билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари ўртасида ўзаро муносабатларни самарали ташкил этишга кўмаклашиш, “тўғридан-тўғри ва қайта алоқа” тамойили бўйича ўзаро ҳамкорликнинг амалий ва самарали механизмини яратиш;

— тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш ва қайта ишлаш, ваколатли органларга кўриб чиқиш учун тақдим этиш, шунингдек, уларнинг ижро этилиши мониторинги ва таҳлили олиб бориш;

— вилоятлар марказлари, туманлар ва шаҳарларда Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, давлат хизматлари тақдим этувчи хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш²⁸.

Хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ва кафолатларини янада мустаҳкамлаш, уларни давлат

²⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5087-сон Фармони «Халқ сўзи» 2017 йил 20 июн №121 (6815)-сони

томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш ва республика банк-молия тизими фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» гиПҚ-3225-сон қарори 2017 йил 17 августда қабул қилинди. Қарор хусусий тадбиркорликни, авваламбор, микрофирма ва кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг жадал ривожланиши учун қўшимча шарт-шароит яратиш, имкониятларни кенгайтиришга қаратилган.

Қарор асосида ташкил этилаётган Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси зиммасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қўмак бериш мақсадида қатор вазифалар юклатилмоқда. Жумладан,

— кичик тадбиркорлик субъектларига қуйидаги шаклда молиявий ёрдам кўрсатиш;

— кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари кредит миқдорининг 50 фоизигача, аммо 2 миллиард сўмдан кўп бўлмаган ҳажмдаги кредитлари бўйича кафил бўлиш;

— тижорат банкларининг қиймати 4 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдордаги кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидаги эквивалентда компенсация бериш:

- миллий валютада, қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида — 5 фоизли пункт миқдорида;

- миллий валютада — ёш тадбиркорлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг тавсияси билан жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар бўйича — банклар харажатларини қоплаш учун 3 фоизли пункт миқдорида;

- хорижий валютада — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 3 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда.

Жамғарма бош битимлар асосида тижорат банклари орқали миллий ва хорижий валютада кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлайди²⁹.

Ўз ишини тўғри ташкил қилиш хусусий тадбиркорликнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тадбиркор бу феноменни барпо қилувчи барча қисмларни ҳар томонлама эътиборга олиши керак. Тадбиркор фаолиятининг бу жиҳатларини ўрганишда унинг фаолияти кетма-кетлигини кузатиш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорнинг асосий ҳаракатлари кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши мумкин:

- биринчидан, бизнес ғоясини ишлаб чиқиш;
- иккинчидан, ишбилармонлик муҳитини чуқур ўрганиб чиқиш;
- учинчидан, тадбиркорнинг иқтисодий манфаати билан бизнес ғоясининг ўзаро тўғри келиши, хусусий тадбиркорлик ғояси билан хусусий тадбиркорлик муҳитининг ўзаро мувофиқлиги;
- тўртинчидан, ғояни амалга ошириш учун керакли бўлган капитал ҳажмини белгилаб олиш;
- бешинчидан, бизнес ғояни амалга ошириш учун керак бўлган корхона ёки ташкилотни таркиб топтириш.

Ҳар бир хусусий тадбиркорлик фаолиятининг асосини маълум бир ғоя ташкил қилади. Бу ғоялар оддийлиги билан ажралиб туради: кимдир товарни янгича жилдлаш ғоясини беради, бозорда мавжуд бўлган товарга янгиликлар киритади ва шу асосида унга бўлган талаб даражасини оширишга ҳаракат қилади ва ҳоказо.

Қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофазаси кафолатлари кучайишини таъминлаш, бизнесни ташкил этиш ва

²⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»гиПҚ-3225-сон қарори2017 йил 17 август«Халқ сўзи» 2016 йил 18 август № 163 (6857)-сон

юритишда ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, сифатли давлат хизматларини тақдим этиш, шунингдек, бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича тадбиркорлар билан ахборот алмашинувининг самарали усулини жорий этиш имконини беради ва мамлакатимизда хусусий мулк ва тадбиркорликнинг янада ривожланиши, чет эл инвестицияларининг кенг жалб қилиниши ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорларга чиқишига хизмат қилади.

Хусусий тадбиркорлик тадбиркорлик фаолиятини оширишда давлат томонидан қўллаб қувватлашни самарасини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

— давлат органлари, тадбиркорларнинг жамоат ташкилотлари ва тижорат тузилмалари билан ҳамкорлигини таъминловчи механизмни такомиллаштириш;

— рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, экспорт ҳажмини ошириш, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, қўшимча ишчи ўринларни ташкил этишга кўмаклашиш;

— доимий фаолият кўрсатадиган кўргазма ва технологик ускуналар, минини технологиялар ярмаркаларини ташкил этиш;

— хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яратиш;

— хусусий тадбиркорлик соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш..

— Хусусий тадбиркорликни молиявий ресурслар билан таъминлаш йўналишда қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши керак:

— молиялаштириш ва суғурта лойиҳаларини амалга киритишни кенгайтириш ва кафолат бериш механизминини такомиллаштириш;

— бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига имтиёзли кредитлаш ва микрокредитлаш;

— хусусий тадбиркорлик субъектларига лизинг асосида ускуналар сотиб олишни маблағлар билан таъминлаш;

— тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини оширишга қаратилган кредитлар бериш механизмларини такомиллаштириш;

— маҳаллий хом-ашёдан чет эл кредит линияларини, шунингдек миллий валютадаги маблағларни жалб этган ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган мини ускуналар яратиш амалиёти давом эттириш.

— Хусусий тадбиркорлик субъектларининг моддий-техник таъминоти бўйича келгуси йилларда амалга ошириладиган ишлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

— биржа, аукцион ва ярмаркалар савдо доирасини кенгайтириш;

— замонавий техника ва технологиялар лизингини кенгайтириш.

— Бунга эришиш учун қуйидаги тадбирлар амалга ошириш назарда тутилади:

— республикада ишлаб чиқарилаётган мини ускуналар, технологиялар каталогини тузиш;

— вилоят мисолида хом-ашё, моддий-техника, меҳнат ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини такомиллаштириш;

— ҳар бир тадбиркорлик субъектларининг хом-ашё ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёжини шакллантириш тизимини такомиллаштириш.

Учинчи боб бўйича хулоса

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилган бўлиб, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликдаги муаммолар бартараф

этиб бўлмайдиган қарама-қаршилик ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилиниши белгилаб қўйилган.

Хусусий тадбиркор маълум бир тадбиркорлик муҳитига киришар экан, диққат-эътиборини фақат ўз ғояларини амалга оширишга эмас, балки қандай қилиб инвесторларнинг маблағларини Хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга ҳам қаратиши керак.

Хусусий тадбиркорнинг ўз ишини ташкил қилишидаги асосий вазифа, аввало, ўз ғояларини маълум бир муҳитга тадбиқ қилиш учун керакли бўлган бирламчи капитални барпо қилишдан иборатдир.

Хусусий тадбиркорлик ғоясини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш жараёнининг мавжудлиги талаб қилинади.

Тадбиркор ишбилармонлик ғояларига ва мақсадларига тўғри келадиган ва жалб қилинган капиталнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда янги ишлаб чиқариш таркибини шакллантиради. Агар тадбиркор ўз ғоясининг ташаббускори ва инвестори сифатида иштирок этаётган бўлса, фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини, корхона учун қўшаётган ўз ҳиссасини олдиндан белгилаб олиши керак. Шундай қилиб, тадбиркорнинг ўз ишини ташкил қилиш тамойили жамият учун янги ишлаб чиқариш таркибини шакллантириш ва унда ўзининг қай даражада иштирок этишини белгилаб олишдан иборатдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тадқиқот ишида қуйидагилар хулоса қилинди:

— Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаровон турмуш даражаси, қолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси хусусий тадбиркорликнинг ривожини билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади;

— Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда хусусий тадбиркорлик улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир;

— Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёселигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган;

— Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар соҳанинг иқтисодий ривожланишдаги, аҳолини иш билан бандлиги ва даромадларининг ўсишидаги роли янада кучайиши ҳамда ЯИМ, экспорт ва тармоқлар ҳамда соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади;

— Хусусий тадбиркорликни ушбу йўналишларда олиб бориладиган чора тадбирларни ишлаб чиқишда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш

борасида хорижий тажрибани ўрганиш ва уни мамлакатимиз шароитларига татбиқ этиш муҳимдир;

— Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилган бўлиб, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликдаги муаммолар бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилик ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилиниши белгилаб қўйилган;

— Хусусий тадбиркор маълум бир тадбиркорлик муҳитига киришар экан, диққат-эътиборини фақат ўз ғояларини амалга оширишга эмас, балки қандай қилиб инвесторларнинг маблағларини [хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга ҳам қаратиши керак;

— Хусусий тадбиркорнинг ўз ишини ташкил қилишидаги асосий вазифа, аввало, ўз ғояларини маълум бир муҳитга тадбиқ қилиш учун керакли бўлган бирламчи капитални барпо қилишдан иборатдир;

— Хусусий тадбиркорлик ғоясини амалга ошириш учун ишлаб чиқариш жараёнининг мавжудлиги талаб қилинади;

— Тадбиркор ишбилармонлик ғояларига ва мақсадларига тўғри келадиган ва жалб қилинган капиталнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда янги ишлаб чиқариш таркибини шакллантиради. Агар тадбиркор ўз ғоясининг ташаббускори ва инвестори сифатида иштирок этаётган бўлса, фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини, корхона учун қўшаётган ўз ҳиссасини олдиндан белгилаб олиши керак. Шундай қилиб, тадбиркорнинг ўз ишини ташкил қилиш тамойили жамият учун янги ишлаб чиқариш таркибини шакллантириш ва унда ўзининг қай даражада иштирок этишини белгилаб олишдан иборатдир;

— Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки хусусий тадбиркорлик ўсиши билан биз мамлакатимизда таянчимиз бўлган мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланади. Иқтисодиётни изчил

ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатланувчи кучи сифатида амал қилади.

Республикамиз иқтисодиётида хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш, ишбилармонлик муҳитини янги сифат босқичига қўтариш мақсадида қуйидаги йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

— тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва фаолият юритишнинг ҳуқуқий меъёрий базасини такомиллаштириш. Бунда мансабдор шахслар томонидан буйруқбозлик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида уларнинг масъуллигини оширишга муҳим эътибор қаратиш;

— хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ноқонуний ва асоссиз аралашуви ҳолатларини бартараф этиш;

— йирик корхоналарни таркибий ўзгартириш натижасида бўшаб қолган нотураржой бинолар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини кичик корхоналарга бериш;

— йирик саноат корхоналарида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун импортга мўлжалланган эҳтиёт қисмлар, деталлар ва керакли ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича Дастурни амалга ошириш;

— иқтисодиётда рақобат муҳитини шаклланиши таъминлаш;

— хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қоллаб – қувватлаш тизимини, унинг механизмларини такомиллаштириш асосида ривожлантириб бориш;

— хусусий тадбиркорликга хизмат кўрсатувчи инфратузулмаларни самарали ҳаракат қилишини таъминлаш;

— хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий-меърий ва ташкилий асосларини иқтисодийда турли омиллар таъсирида руй бераётган ўзгаришларга мос равишда узлуксиз такомиллаштириб бориш;

— давлат томонидан хусусий тадбиркорлик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш механизмларини самарадорлигини ошириш, бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасидаги янги механизмларни мавжуд шароитларга мослаштирган ҳолда амалиётга қўллаш;

— хусусий тадбиркорликни инновация негизида ривожланишини таъминлаш борасида чора – тадбирларни ишлаб чиқиш;

— хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан таъминлаш мавжуд механизмларни самарадорлиги ошириш ва молиялаштириштиришнинг янги манбаларини ҳаракатга келтириш негизида қулай инвестиция муҳитини яратиш;

— хусусий тадбиркорликда ишлаб чиқаришни ташкил этишни моддий таъминотини такомиллаштириш;

— хусусий тадбиркорликни ташқи иқтисодий фаолият механизмларини такомиллаштириш;

— хусусий тадбиркорлик соҳаси учун малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш;

— хусусий тадбиркорликда кооперацияни чуқурлаштириш;

— хусусий тадбиркорликни бир маромда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида тадбиркорликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

— тадбиркорлик фаолиятининг бошланиши билан боғлиқ меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларни соддалаштириш;

— тадбиркорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизминини такомиллаштириш ва уни аслида ҳаракат қилишини таъминлаш йўли билан ижобий фаол тадбиркорлик муҳитини яратиш;

— хусусий тадбиркорларга халқаро стандарт талабларига жавоб берадиган янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўмаклашадиган инфратузилмани шакллантириш;

— тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини ноқонуний ва асоссиз аралашув ҳолатларига чек қўйиш;

— микро ва кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисоботларини юритиш тартибини, шунингдек солиқ ва статистика органларига ҳисоботларни тайёрлаш ва етказишни такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2017. – 76 б.
2. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 17-сон, 173-модда 2016 й.,
3. «Рақобат тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон
4. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 1-модда
5. «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни №-341 қабул қилинган сана 20.12.2012, кучга кириш санаси 21.06.2013 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 16-сон, 265-модда
6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Тошкент.: Адолат, 2016 й. 560 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Тошкент ш., 2018 йил 30 март, 249-сон (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2018 й., 09/18/249/0998-сон)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Тошкент ш., 2017 йил 8 сентябрь, 704-сон, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2018 й., 09/18/26/0578-сон, 09.04.2018 й., 09/18/273/1045-сон
3. «Табиий монополия субъектларининг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 34-сон, 461-модда.,

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда). «Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 8 февраль, 28 (6722)-сон.
2. «Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштирилган, корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-5016 сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2017-йил 18-апрель.,
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» ги ПҚ-3225-сон қарори 2017 йил 17 август «Халқ сўзи» 2016 йил 18 август № 163 (6857)-сон

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5087-сон Фармони «Халқ сўзи» 2017 йил 20 июн № 121 (6815)-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Тошкент ш., 2016 йил 5 октябрь, ПФ-4848-сон, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 982-модда

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. (07.12.2016).
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. (2017-01-14) Т.: - Ўзбекистон-2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз./Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.(2016 йил 14 декабрь куни).
5. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курамиз”. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Ш.Мирзиёев. Тошкент “Ўзбекистон”, 2017 – 488 б.

V. Асосий адабиётлар ва қўшимча адабиётлар

1. Портер М., Майкл Э. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов / Пер. с англ. Учебник. - 2-изд. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2009. - 516 стр.
2. Горбунов А. Национальная конкурентоспособность. – М.: «Анкил», 2010. – 256 с.
3. Мазилкина Е.И, Паничкина Т.Г. Управление конкурентоспособностью. Учеб. пособ. – Омега-Л, 2009. 325 с.
4. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы / Н.С. Носова.- 2-е изд. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К»; Саратов: ООО «Англейс», 2010.- 256 с.
5. Кейнс Дж. М.Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. — М.: Эксмо, 2017. — 960 с.
6. The Privatization of Roads and Highways: Human and Economic Factors Paperback – Large Print, 2012 by Walter Block (Author)

7. Privatization: An International Review of Performance By Graeme A. HodgeWestview Press, 2014
8. Making Public in a Privatized WorldDavid A. McDonald London, United Kingdom ZED-BOOKS-LTD 2016 Paperback
9. Улашов Б.С. Конкурентная политика в Узбекистане. Монография. – Т.: Фан. 2012. – 408 с.
- 10.Фатхутдинов Р.А. Управление конкурентоспособностью организации: Учебник. Н.\ ЭКСМО, 2004. - 544 с.
- 11.Мамарасулов У.М. Иқтисодиёт ва бозор муносабатлари. - Т.: «Наврўз», 2016.
- 12.Кузнецова А.И. Инфраструктура: Вопросы теории, методологии и прикладные аспекты современного инфраструктурного обустройства. Геоэкономический подход. М.: Кой Книга, 2016.

VI. Илмий нашрлар

а. (газета,журнал, мақола, тезис ва хоқозо).

1. Financial Times (middle east), page-11, 28.10.2016
2. «Халқсўзи» газетаси 2017 йил 8 февраль, 28 (6722)-сон.
3. «Халқсўзи» газетаси 23 декабрь 2017 йил.
4. Мамлакатимизда давлат мулкани хусусийлаштиришда эришилган ютуқ ва камчиликлар, Ахророва А.А. Ахмедов С.Т., Тўхтамуродов И.Р., Ўзбекистон Республикасидакорпоратив бошқарув ва рақобатмуҳитини ривожлантиришнингдолзарб масалалариреспублика илмий-амалий анжумани, мақола ва тезислар тўплами1-қисм, 2017 йил 12 май Тошкент,ТДИУ– 2017, 190-б.

Интернет сайтлари

1. www.Lex.uz
2. www.Norma.uz

3. www.gkk.uz

4. www.stat.uz